

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида  
УДК 343.1.347.9.(575.1)*

**БАБАЕВ АБДУЛАЗИЗ ФАХРИТДИНОВИЧ**

**Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишда  
қонунчиликка риоя қилиш**

**5A240104 – Жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:  
ю.ф.н. Н.М.Қўшаев**

**Тошкент – 2014**

## МУНДАРИЖА

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I боб. Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг умумий тавсифи ва процессуал асослари.....</b>	<b>10</b>
1. Жиноят процессида фуқаровий даъво тушунчаси, предмети ва хусусиятлари.....	10
2. Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари.....	29
<b>I боб бўйича хулоса.....</b>	<b>37</b>
<b>II боб. Жиноят процесси босқичларида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг процессуал хусусиятлари.....</b>	<b>39</b>
1. Суд мажлисини тайинлаш босқичида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш учун тайёрлашнинг процессуал тартиби.....	39
2. Биринчи инстанция судида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг процессуал хусусиятлари.....	42
<b>II боб бўйича хулоса.....</b>	<b>53</b>
<b>III боб. Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг процессуал асосларини такомиллаштириш истиқболлари.....</b>	<b>55</b>
1. Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш борасида айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	55
2. Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари.....	68
<b>III боб бўйича хулоса.....</b>	<b>74</b>
<b>Хулоса.....</b>	<b>76</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>80</b>

## Кириш

### Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакатимизда сўнги йилларда жиноят процессида шахс ҳуқуқларини ҳар томонлама эътироф этиш ва ҳимоя қилишга қаратилган, инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида эътироф этишга асосланган кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Бу авваламбор, давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилишга қаратилган фаолияти негизида фуқароларнинг иззат-нафси ва кадр-қиммати, ҳаёти ва саломатлиги, шахсий эркинлиги ва мол-мулкини ҳимоя қилиш билан изоҳланади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига биноан хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Юқоридаги конституциявий қоида жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан жиний жазолар тизимидан мол-мулкни мусодара қилишни чиқарилганида ҳам намоён бўлди<sup>1</sup>. Бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, инсон манфаатларини таъминлаш учун”<sup>2</sup>, деган фикрларини яна бир бор амалда тасдиқлайди.

Шу билан бирга содир этилган жиноят нафақат қонун билан кўриқланадиган муносабатларга, шу жумладан, инсон манфаатларига ҳам маълум даражада зарар етказди. Зарар моддий, жисмоний, ёки маънавий шаклларда намоён бўлади. Умумэътироф этилган принципларга асосан етказилган зарар қопланиши ёки бартараф этилиши лозим. Бу вазифа фуқаролик ҳуқуқидаги зарар институти, жиноят процессида жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаш институти орқали амалга

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 254-П-сонли 2001 йил 29 августдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10(1305-1306)-сон. – 165-м.

<sup>2</sup> Каримов И. А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. – Т.14 – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б. 63.

оширилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг бешинчи бўлимида тартибга солинган жиноят натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш механизмида фуқаровий даъво институти муҳим ўрин эгаллайди. Жиноят процессида жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкӣ зарарни қоплаш, шунингдек жабрланувчини дафн этиш ёки уни стационарда даъволаниши ҳаражатларини ҳамда суғурта тариқасида унга тўланган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундириш тўғрисидаги фуқаровий даъволар кўрилади.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишда жиноят натижасида жабрланганларнинг ўзларига етказилган мулкӣ зиённи ундиришга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш процессуал механизмининг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан судлар фаолиятининг самарадорлигини ҳам белгилаб беради.

Судларда фуқаровий даъволарни кўриб чиқиш амалиёти шуни кўрсатадики, судьялар фуқаровий даъволарни муҳокамасини таъминлаш учун судгача бўлган тайёргарлик ишларига кўп ҳолларда етарлича эътибор қаратмайдилар, улар фуқаровий даъво масаласига нисбатан иккинчи даражали сифатида қарашади, бундан ташқари, жиноят ишлари бўйича кўзғатилган фуқаровий даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилишда судьяларнинг ўзлари томонидан жиноят-процессуал, фуқаролик ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари қоидаларини кўпинча бузишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг асосий вазифаларидан бири – бу суд қарорлари ижроси тизимини такомиллаштиришдир. Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини тартибга солувчи кўплаб қонунлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексиди фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакилларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаб берувчи қоидалар мавжуд бўлиб, жиноят иши процессида фуқаровий

даъвони кўзғатиш ва кўриб чиқиш тартиби, бундай даъвони таъминлаш тартиби ва шартлари қоидаларда қисман белгилаб берилган.

Мулкий зиённи ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши нафақат жабрланувчининг моддий манфаатини тикланиши учун, балки ўзганинг мулкани жиноий ўзлаштириш беҳуда эканлигини исботлаган ҳолда, мулкий жиноятларга барҳам бериш йўлидаги жиддий қадам бўлиб хизмат қилади. Хукмнинг тўлиқ ижро этиш масаласига етарлича баҳо бермаслик эса жиноятчилик билан курашиш самарадорлигини пасайишига ва фуқароларнинг ҳуқуқларини чекланишига сабаб бўладиган жиддий хатоларга олиб келади.

Юқорида баён этилганларнинг барчаси ушбу диссертация тадқиқоти учун танланган мавзунинг долзарблигини белгилаб беради.

**Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши.** Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш бўйича юзага келадиган жиноят-процессуал муносабатлар тадқиқот объекти ҳисобланади. Жиноят-процессуал, конституциявий, фуқаролик, фуқаровий-процессуал ҳуқуқ қоидалари, уларни қўллаш амалиёти, жиноят туфайли етказилган мулкий зиён ва маънавий зарарни ундириш бўйича тадқиқот объектига доир Ўзбекистон Республикаси ва айрим хорижий мамлакатларнинг қонунлари ҳамда бошқа нормалари тадқиқот предметини ташкил қилади.

**Тадқиқот мақсади ва вазифалари.** Тадқиқотнинг мақсади амалдаги қонунчилик, халқаро ҳужжатлар таҳлил қилиш асосида тадқиқот жараёнида аниқланган жиноят процессида фуқаровий даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш муаммоларининг ечими бўйича назарий қоидалар ишлаб чиқишдан иборат.

Мазкур мақсадга эришиш борасида қуйидагилар **асосий вазифалар** сифатида белгилаб олинди:

– жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг умумий тавсифи ва процессуал асосларини таҳлил қилиш;

- жиноят процессида фуқаровий даъвонинг предмети ва унинг хусусиятларини аниқлаш;
- жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;
- суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш учун тайёрлашнинг процессуал тартибини ўрганиш;
- биринчи инстанция судида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг процессуал хусусиятларини аниқлаш;
- ҳукмнинг фуқаровий даъво бўйича қисмига қўйиладиган талабларни таҳлил қилиш;
- жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш борасида хорижий мамлакатлар тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этиш;
- Ўзбекистонда жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш истиқболларини аниқлаш ҳамда ушбу жиноят-процессуал институтнинг қўлланилиши доирасини янада кенгайтириш юзасидан илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари.**

- 1) суд жараёнида жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва ҳал қилишда фуқаровий, фуқаровий-процессуал, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқий соҳалар қоидаларини қўллаш мумкинлиги тўғрисидаги масалага аниқ ечим сифатида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича иш юритувининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берувчи махсус қоидалар киритилиши асослаб берилди;
- 2) жиноят процессида фуқаровий даъво тушунчасига унинг мазмун-моҳиятини ва ўзига хос процессуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда муаллифлик таърифи берилди;

3) жиноят процессида фуқаровий даъво масаласини кўриб чиқишда ярашув институтини қўллаш истикболлари билан боғлиқ назарий ва амалий муаммоларни ҳал этиш борасида аниқ таклифлар ишлаб чиқилди;

4) фуқаровий даъвондан воз кечиш институтини қўллаш билан боғлиқ процессуал тартибни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритилди ва б.қ.

**Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили.** Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш мавзуси комплекс хусусиятга ҳамда жиноят иши юритуви назарияси ва амалиёти учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, шу боис илмий тадқиқотларда фуқаровий даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш масалаларига кўп маротаба мурожаат қилинган.

Ўзбекистон ҳуқуқшунос олимларидан З.Ф.Иноғомжонова, Г.З.Тўлаганова, Ф.М. Мухитдинов, У.А.Тухташева, А.Х.Раҳмонқулов, Б.Т. Акрамходжаев, У.А. Абдурахмонов, С.М. Ачилов, Н.М.Қўшаев, Ш.Ф.Файзиев, А.Д.Давлетов, Д.Ю.Камалходжаев, Б.А.Саидов, М.Ф.Саттарова, Б.М. Хамрақуловларнинг<sup>1</sup> асарлари ва илмий тадқиқот ишларида жиноят процессининг турли босқичларида жиноят натижасида етказилган мулкӣ зарарни ундиришнинг усули сифатида кўриладиган фуқаровий даъвони кўзғатиш, таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этишда жиноят-процессуал қонунчиликнинг нормаларини амалий тўғри қўллаш, унинг назарий асослари, у ёки бу жиҳатларини, шунингдек, жиноят

<sup>1</sup> Акрамходжаев Б. Т. Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук.— М.:ВЮЗШ МВД РФ, 1992. — 22 с.; Абдурахмонов У. А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Тошкент: ТДЮИ, 2009. — 21 б.; Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Тошкент:ТГЮИ, 2010. — 26 с.; Камалходжаев Д. Реабилитация в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Тошкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1996. — 21 с.; Мухитдинов Ф. М. Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. — Тошкент:ТГЮИ, 2005. — 43 с.; Давлетов А. Д. Гражданский иск в уголовном деле — важное средство охраны социалистической и личной собственности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Тошкент: Юрид. факультет ТашГУ, 1970. — 20 с.; Саидов Б. А. Дастлабки терговда шахнинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш принципининг таъминланиши: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Тошкент:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. — 24 б.; Саттарова М. Ф. Проблемы возмещения вреда, причиненного предпринимателям незаконными актами должностных лиц: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — Тошкент: ТГЮИ, 2004. — 25 с.; Хамрақулов Б. М. Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. — Тошкент: ТДЮИ, 2008. — 26 б.

процессида фуқаровий даъвони кўзгатиш, таъминлаш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш механизмини такомиллаштиришнинг айрим масалалари у ёки бу даражада таҳлил қилинган. Шунингдек, 2010 йилда Т.Н.Тиллаев томонидан “Жиноят процессида фуқаровий даъво” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқланган<sup>1</sup>.

МДХ мамлакатларида Т.Р. Галимов, А.Н. Глыбина, А. Г. Дык, И.Г. Кожин, С.В. Кравцова, Н.В. Кривошеков, М.Р. Самитов, Н.Н. Сенин, Т.А. Славгородских, Т.В. Тетерина, А.В. Тимошенко, О.А. Тарнавский, Ю.В. Курдубанов каби олимлар асарларида жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундиришга оид фуқаровий даъво юзасидан қатор мулоҳазалар билдирилган<sup>2</sup>.

**Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи.**  
Тадқиқотни амалга оширишда илмий билишнинг диалектик усули, шунингдек тарихий, мантиқий, эмпирик, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли-структуравий ва шу каби бошқа илмий усуллардан фойдаланилди.

<sup>1</sup> Тиллаев Т.Н. Жиноят процессида фуқаровий даъво: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2010. – 184 б.

<sup>2</sup> Галимов Т. Р. Субъекты доказывания гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2006. – 26 с.; Глыбина А. Н. Реабилитация и возмещение вреда в порядке реабилитации в уголовном процессе РФ: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Томск: Юрид. институт ТГУ, 2006. – 24 с.; Дык А. Г. Актуальные вопросы гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Калининград: КЮИ МВД России, 2007. – 21 с.; Кожин И. Г. Уголовно-процессуальный механизм обеспечения возмещения вреда физическому лицу: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень: Институт государства и права ТГУ, 2006. – 20 с.; Кравцова С. В. Уголовно-процессуальный статус гражданского истца и гражданского ответчика на стадии предварительного расследования: понятие, сущность и основания возникновения: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург: Университет МВД России, 2003. – 24 с.; Кривошеков Н. В. Моральный вред, устанавливаемый в ходе производства по уголовному делу на стадии предварительного расследования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень: Тюменский ЮИ МВД России, 2004. – 22 с.; Самитов М. Р. Производство по рассмотрению и разрешению гражданского иска в российском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2006. – 29 с.; Сенин Н. Н. Возмещение вреда, причиненного преступлением, в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Томск: Юрид. институт ТГУ, 2004. – 25 с.; Славгородских Т. А. Предмет доказывания обстоятельств гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Оренбург: Юрид. факультет Оренбургского ГАУ, 2003. – 20 с.; Тетерина Т. В. Проблемы обеспечения имущественных, иных прав и законных интересов потерпевшего в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2004. – 25 с.; Тимошенко А. В. Теоретические и практические вопросы гражданского иска в предварительном расследовании: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2002. – 24 с.; Тарнавский О. А. Уголовно-процессуальный механизм предъявления и разрешения гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: ЕГУ, 2000. – 27 с.; Курдубанов Ю. В. Обеспечение прав гражданского истца при рассмотрении уголовных дел судами: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва: МГУ, 2002. – 24 с.

**Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.**

Изланиш натижасида қилинган хулосалар давлатимизда демократик-хуқуқий давлат барпо этиш шароитида жиноят-процессуал ислохотларнинг муҳим йўналиши сифатида жиноят процессида фуқаровий даъво хуқуқий институтининг ривожланишда, шунингдек, бу борада қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан жиноят-процессуал хуқуқи фани бўйича маърузалар ҳамда махсус курслар ўқишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ўзбекистонда хуқуқий-демократик давлат барпо этиш ҳамда жиноят-процессуал соҳани янада демократлаштириш, либераллаштириш ва ривожлантириш шароитида Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал хуқуқида фуқаровий даъвони ҳал қилишда қонунчиликка риоя қилишга оид хуқуқий кўрсатмаларини такомиллаштиришга оид назарий, хуқуқий ва амалий масалалар жиноят-процессуал хуқуқи фани нуқтаи назаридан тадқиқ этилди.

**Диссертация таркибининг қисқача тавсифи.** Диссертация кириш, етти параграфдан иборат уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг ҳажми 80 бет.

# **I БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ ВА ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИ**

## **1. Жиноят процессида фуқаровий даъво тушунчаси, предмети ва хусусиятлари**

Жиноят процессида фуқаровий даъво тушунчасини таърифлашда жиноят туфайли етказилган мулкӣ зиён ва маънавий зарарни ундириш – бунинг учун махсус ваколат берилган мансабдор шахслар ва органларнинг расмий фаолияти эканлиги ҳисобга олинishi лозим. Етказилган мулкӣ зиён ва маънавий зарарни фуқаровий даъво қўзғатиш йўли билан ундириш фаолияти бундай даъво тақдим этиш ва қабул қилиш, шахсни фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш, тақдим этилган даъводаги талабларни асослаш, уларни таъминлаш бўйича зарур чоралар қабул қилиш ва хоказоларни ўз ичига олади. Ушбу фаолият фуқаровий даъвогарлар, фуқаровий жавобгарлар ва уларнинг вакилларининг жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва суд муҳокамаларида фаол иштирокини талаб қилади.

Жиноят процессида фуқаровий даъвонинг моҳиятини белгилаб олиш учун, аввал “даъво” тушунчасининг моҳиятини англаб олиш зарур бўлади. “Даъво” асли арабча сўз бўлиб, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ҳақида суд орқали ёки бошқа йўллар билан қўйилган талаб тушунилади<sup>1</sup>. Аксарият замонавий ҳуқуқшунослар даъво (лот. “actio” – даъво, “actionare” – суд муҳофазасини излаш) барча суд иш юритувлари учун хос бўлган турдош тушунчани ифодалайди, деб ҳисоблайдилар<sup>2</sup>.

Кўпчилик ҳуқуқшунослар, жумладан З.Ф. Иноғомжонова ва Б.Т.Акрамходжаевлар “фуқаровий даъво – судга бериладиган оддий даъводир, чунки унинг мазмунини жавобгарнинг даъвогар фойдасига нисбатан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириши, жиноят натижасида

<sup>1</sup> Шораҳметов Ш. Ш. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик-процессуал ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 150.; Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихоновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 86.

<sup>2</sup> Александров А.С. Понятие и сущность уголовного иска // Государство и право. – Москва, 2006. – №2.; Жирова М.Ю. Исковая природа частного обвинения // Вестник СамГУ. – 2011. – №4(85). – С. 290-291.

етказилган мулкий зарарни қоплаши тўғрисидаги талаб ташкил этади, яъни ўз моҳиятига кўра фуқаровий даъво шахснинг ўзининг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги судга мурожаати” эканлигини таъкидлайдилар<sup>1</sup>.

А.Х. Раҳмонқулов ҳам бу борада “Жинойт процессидаги фуқаровий даъво – оддий мажбурлаш ҳақидаги даъво, чунки унинг мазмунини жавобгарни даъвогар фойдасига муайян ҳаракатлар содир этишга мажбурлаш, жиноят туфайли етказилган мулкий зарарни қоплаш ҳақидаги талаб ташкил этади. Бундай даъво жиноят процессида кўриб чиқилиши сабабли фуқаролик процесси юритилганда бўлмайдиган бир қатор хусусиятларга эга бўлади. Лекин ушбу хусусиятлар унинг ҳуқуқий табиатини ўзгартирмайди, уни мажбурлаш даъвосидан бошқача даъвога айлантормади”<sup>2</sup>, деб ёзади.

А.А. Муҳаммадиевнинг ёзишича, “Жиноят процессида фуқаровий даъволар жиноят оқибатида ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш, жабрланувчига етказилган тан жароҳатлари ёки жиноят оқибатида вужудга келган касаллиги туфайли даволанишга кетган харажатларини, шунингдек, жабрланувчини кўмиш ёки унга суғурта товони, нафақа ёки пенсия тарзида тўлов суммалари даъвонинг қийматини ташкил этади”<sup>3</sup>.

Т.Н.Тиллаевнинг эътироф этишича, “жинойт процессида фуқаровий даъво дейилганда, бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд унинг манфаатлари асосида прокурорнинг айбдорга ёки моддий жавобгар шахсга нисбатан етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарни қоплаш учун жиноят

<sup>1</sup> Жиноят процесси. Умумий қисм: Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 327.; Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Нашр этиш учун масъул У.Таджиханов – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. – Б. 389.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик. Муаллифлар жамоаси: Б.А.Миренский, А.Х.Раҳмонқулов, В.В.Қодирова ва б.қ. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2012. – Б. 240.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир проф. Ғ.Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 325.

иши кўзғатилган пайтдан бошлаб то суд муҳокамаси жараёни тугагунига қадар билдириладиган ва жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган талаби тушунилади”<sup>1</sup>.

Бу борада МДХ давлатлари процессуалист олимларининг фуқаровий даъво масаласида билдирган фикр-мулоҳазаларини ҳам келтириш ўринлидир.

Жумладан, бу борада К.Б.Куватпековнинг фикри ўринли бўлиб, унинг ёзишича, “жиноят процессида фуқаровий даъво деганда, ваколатли давлат органларига йўналтирилган, жиноят ишини юритиш жараёнида кўзғатилладиган ҳамда жиноят иши билан биргаликда жиноят суд иш юритуви тартибидан кўриб чиқиб ҳал қилинадиган, юридик ёки жисмоний шахсларнинг бевосита жиноят ёки жиноят-ҳуқуқий жазоланадиган қилмиш туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаровий-ҳуқуқий талаби тушунилади. Фуқаровий даъво предмети – бу ваколатли давлат органларига мурожаат этилган етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаровий-ҳуқуқий талаб бўлиб, асосини унинг замирида ётувчи ҳолатлар тўғрисидаги юридик фактлар ташкил этади”<sup>2</sup>.

А.И.Зорин эса бу масалага ўзгача муносабатда ёндашиб, унинг фикрича эса, “жиноят процессида фуқаровий даъво – бу жиноят иши бўйича юритув жараёнида жиноятдан мулкий зарар кўрган юридик ёки жисмоний шахснинг айбланувчи ёки фуқаровий-ҳуқуқий жавобгар шахснинг ҳаракатлари устидан арз қилинган талабидир”<sup>3</sup>.

Л.Н.Масленникова фуқаровий даъвогар билан жабрланувчининг процессуал манфаатларини аралаштирмаслик тарафдори бўлиб, унинг фикрича “жабрланувчининг фуқаровий даъвоси – бу фуқаровий

<sup>1</sup> Тиллаев Т.Н. Жиноят процессида фуқаровий даъво: Юрид. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2010. – Б.7.

<sup>2</sup> Куватпеков К.Б. Гражданский иск в уголовном процессе (по материалам Кыргызской Республики и Российской Федерации): Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия управления МВД России, 2014. – С. 11.

<sup>3</sup> Зорин А.И. Гражданский иск в уголовном процессе: автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2005. – С. 9

жавобгарга эмас, балки авваламбор, ваколатли давлат органларига каратилган жиноят туфайли етказилган зарарни қоплашни таъминлаш тўғрисидаги моддий-ҳуқуқий талабдир”, деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Н.Н.Сениннинг нуқтаи назари ҳам бу борада эътиборга молик бўлиб, у фуқаровий даъвои “жиноят суд иш юритуви тартибида кўриб чиқилиши лозим бўлган юридик манфаатдор ёки бошқа ваколатли шахснинг судга айбланаётган ёки айбланувчининг ҳаракатлари учун моддий жавобгар бўлган шахс томонидан жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарни қоплаш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этиши” сифатида баҳолайди<sup>2</sup>.

Т.А.Славгородскихнинг ҳам юқоридаги таърифга жуда моҳиятан яқин бўлиб, унинг фикрича, “жиноят процессида фуқаровий даъво деганда, жиноятдан моддий зарар кўрган шахс ёки органнинг уни қоплашга оид моддий-ҳуқуқий эътирозларини кўзғатиш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш жараёнида вужудга келадиган қонун билан ваколат берилган субъектлар муносабатлари ва процессуал ҳаракатлари мажмуи”ни тушунади<sup>3</sup>.

Д.Б.Разумовский фуқаровий даъвога оид муносабатларга эътибор қаратиб “жиноят процессида фуқаровий даъвои қонунга асосан ваколатли бўлган шахсларнинг жиноятдан моддий (мулкӣ ёки жисмоний) ёхуд маънавий зарар кўрган юридик ёки жисмоний шахсларнинг уни қоплатишга бўлган моддий-ҳуқуқий даъвосини кўзғатиш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш жараёнида вужудга келадиган процессуал ҳаракатлар ва муносабатлар мажмуи” сифатида баҳолайди<sup>4</sup>.

Н.Е.Муллахметова нуқтаи назари юқоридаги муаллифлардан жиддий фарқ қилиб, унинг фикрича “жиноят процессида фуқаровий даъвога жабрланувчининг жавобгарга етказилган зарарни (баҳоланувчи тушунча

<sup>1</sup> Масленникова Л.Н. Деятельность органов расследования по обеспечению доступа к правосудию потерпевшим от преступлений в России. – М., 1995. – С. 7.

<sup>2</sup> Сенин Н.Н. Возмещение вреда, причиненного преступлением, в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Томск, 2004. – С. 18.

<sup>3</sup> Славгородских Т.А. Предмет доказывания обстоятельств гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Оренбург, 2003. – С. 6.

<sup>4</sup> Разумовский Д.Б. Гражданский иск в уголовном деле: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С.6.

бўлиб, нафақат жисмоний ва мулкӣ, балки маънавий ҳам бўлиши мумкин) қоплашни талаб қилишдан иборат бўлган ҳамда жиноят-процессуал мажбурилов воситасида таъминланадиган жиноят туфайли етказилган зарарни қоплатишга оид субъектив ҳуқуқи” сифатида таъриф беради”<sup>1</sup>.

А.Г.Дык жиноят процессида фуқаровий даъво икки тарафлама (моддий ва процессуал) ҳуқуқий табиатга эга, деб таърифлаб, процессуал ҳуқуқ нуқтаи назаридан у жиноят-процессуал институт ҳисобланади ва умуман олганда, жиноят процесси талабларини ҳисобга олган ҳолда, даъво институтининг таркибий қисми сифатида ўзига унинг элементларини ҳам қамраб олади. Моддий ҳуқуқ нуқтаи назаридан фуқаровий даъво жиноят натижасида бузилган ва зарар етказилган қонунчилик – фуқаролик, солиқ, бюджет, меҳнат ва бошқа моддий қонунчилик нормаларига асосланиши мумкин<sup>2</sup>.

Ж.У.Имангазиевнинг ёзишича, “жиноят процессида фуқаровий даъво – жиноят ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши содир этилиши натижасида зарар етказилган тақдирда вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи нормалар мажмуини ифодаловчи комплекс ҳуқуқий институт бўлиб, уни қўзғатиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишда жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчилик нормалари қўлланилади”<sup>3</sup>. Фикримизча айнан бундай таъриф бироз бир ёқлама бўлиб, фуқаровий даъво билан боғлиқ барча масалаларни қамраб олмайди.

М.Р.Самитов берган таърифи Ўзбекистон Республикаси ЖПКда фуқаровий даъво доирасига кирадиган масалаларга энг яқин таъриф бўлиб, унга кўра, “жиноят процессида фуқаровий даъво- юридик шахслар ва фуқароларнинг жиноят қонуни билан тақиқланган жиноят ёки ақли

<sup>1</sup> Дык А.Г., Муллахметова Н.Е. Гражданский иск в уголовном деле как один из способов возмещения вреда, причиненного преступлением: Монография. – М.: Юрлитинформ, 2013. – С. 28.

<sup>2</sup> Дык А.Г. Актуальные вопросы гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2007. – С. 6.

<sup>3</sup> Имангазиева Ж.У. Проблемы гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Астана: Казахский гуманитарно-юридический университет, 2008. – С. 7.

норасо шахсларнинг ижтимоий хавфли қилмишлари туфайли етказилган зарарни қоплаш, шунингдек, жабрланувчини дафн этиш ёки даволатиш учун, унга суғурта тўлови, нафақа ёки пенсия сифатида тўланадиган пул маблағи”<sup>1</sup>.

Юқорида фуқаровий даъво институти юзасидан берилган ва таҳлил қилинган фикрлар ичида миллий қонунчилигимиз ва амалиёт эҳтиёжлари нуқтаи назаридан нисбатан оптимал бўлган ёндашув Т.Н.Тиллаев томонидан баён қилинган ва фикримизча айнан ана шу таъриф фуқаровий даъво тушунчасини очиқ беради.

Демак, хулосага қилиб айтиш мумкинки: *“жиноят процессида фуқаровий даъво деганда, жиноят ёхуд ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд унинг ёки давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб прокурорнинг айбдорга ёки моддий жавобгар шахсга нисбатан етказилган зарарни қоплаш учун билдириладиган моддий-ҳуқуқий аҳамиятдаги талаби тушунилади”*.

Яъни, жиноят процессида фуқаровий даъво жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг субъектив фуқаролик ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг энг кенг тарқалган ва асосий усулларида бири ҳисобланади. Жиноят процессида фуқаровий даъво маънавий зарарни мулкӣ қоплатиш учун ҳам тақдим этилиши мумкинлиги эътиборга лойиқдир. Жиноят процессида фуқаровий даъво процессуал нуқтаи назардан жиноят туфайли жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни таъминлашга қаратилган вақтни тежаши ва шу орқали жабрланувчи ҳуқуқларини қўшимча равишда таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Жиноят процессида фуқаровий даъво бошқа даъволар сингари иккита элемент – предмет ва асосга эга. Улар унинг ҳукм чиқариш тўғрисидаги даъво сифатида ажратилиши ва бошқа даъволардан фарқланиши, иш

---

<sup>1</sup> Самитов М. Р. Производство по рассмотрению и разрешению гражданского иска в российском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2006. – С.19.

бўйича исбот қилиниши керак бўлган фактлар доирасини белгилаш ва бу билан тергов органлари ҳамда суднинг муваффақиятли фаолиятини таъминлаш, даъво бўйича қонуний ва асосланган қарор чиқаришга ёрдам беради<sup>1</sup>.

Мулкий хусусиятга эга ҳуқуқий талаблар, шунингдек моддий зиённи қоплаш тўғрисидаги талаб фуқаровий даъвонинг предмети ҳисобланади<sup>2</sup>. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Жиноят натижасида етказилган моддий зарарни ундириш бўйича судлар амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли Қарорида<sup>3</sup> таъкидланишича, “жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни ундириш, турли шакллардаги мулкнинг дахлсизлигини таъминлашда, давлат ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Ушбу тоифадаги ишлар судлар томонидан асосан қонуний ҳал этилмоқда. Шу билан бирга айрим судлар ҳар доим ҳам фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўрмайдилар, тергов органлари томонидан мол-мулкни ўз вақтида хатламаслик ҳолларига баъзан тегишли муносабат билдирмайдилар, зарарнинг миқдори ва хусусияти тўғрисидаги далилларни тўлиқ текширмайдилар, фуқаровий даъволарни етарли асосларни кўрмасдан қолдирадилар, жиноят оқибатида кўлга киритилган маблағ эвазига зарарни қоплаш мумкинлиги масаласини ҳамма вақт ҳам муҳокама этмайдилар, фуқаровий даъво қўзғатилмаган ҳолларда етказилган мулкий зарарни ундириш масаласини ўз ташаббуслари билан ҳал қилмайдилар, биргаликда содир этилган ҳаракатлар натижасида зарар етказган шахсларнинг солидар жавобгарлиги ҳақидаги қонун талабларининг бузилишига йўл қўймоқдалар. Зарарни келтириб чиқарувчи жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва шарт-

<sup>1</sup> Чекулаев Д.П. Потерпевший в уголовном судопроизводстве: доступ к правосудию и компенсация причиненного ущерба: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 22.

<sup>2</sup> Моддий зиён ва зарар масалалари ҳақида батафсил қаранг: Абдурахмонов У. А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 21 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991–1998. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 165.

шароитларини аниқлаш ишлари етарли даражада олиб борилмаётир”<sup>1</sup>.

Даъвонинг асосини юридик фактлар ташкил этади, даъвогар эса улардан ўзининг талабларини шакллантиради, қонун даъвогар ва айбланувчи (фуқаровий жавобгар) ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келишини улар билан боғлайди<sup>2</sup>. Бундай фактларга қуйидагилар киради: жиноят содир бўлиши; даъвогар томонидан моддий зиён ёки маънавий зарарнинг мавжудлиги; жиноят ва зиён ўртасидаги сабабий боғланиш<sup>3</sup>.

Қуйидаги муайян процессуал асосларнинг мавжудлиги даъвони жиноят иши билан бирга кўриб чиқишнинг зарур шarti ҳисобланади: жиноят ишининг мавжудлиги; жиноят ишига фуқаровий даъво тақдим этиш; худди шу тарафлар ўртасида, худди шу предмет ва асослар бўйича қонуний кучга кирган суд қарорининг ёки даъвогарнинг даъводан воз кечганлигини қабул қилиш ёки келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида суд ажримининг мавжуд эмаслиги; аризаچининг фуқаровий процессуал муомала лаёқатига эгаллиги<sup>4</sup>.

Кўрсатилган асослардан биринчисига келсак, фуқаровий даъво бўйича ишни юритиш жиноят иши процессининг бир қисми ҳисобланади. Шунинг учун жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асосларнинг мавжуд эмаслиги жиноят процессида фуқаровий даъво кўриб чиқиш ва ҳал қилишга йўл кўймайди. Бу ҳақда ЖПК 276-моддаси 2-қисмида тўғридан-тўғри кўрсатилган: фуқаровий даъво жиноят иши қўзғатилган пайтдан бошлаб то суд тергови бошлангунга қадар тақдим этилади.

Агар фуқаровий даъвони тақдим этиш билан боғлиқ процессуал асос мавжуд бўлмаса, жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича иш юритиш бошланмайди. Агар жиноят ишида даъво тақдим этилмаган бўлса, мулкий зиённи ундириш масаласини бошқа кўринишда ҳал қилиш руҳсат этилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006. Биринчи жилд. – Тошкент: Шарқ, 2006. – Б. 169.

<sup>2</sup> Ханов Т.А. Имущественные вопросы в уголовном судопроизводстве Республики Казахстан: Дисс. ... д-ра юрид. наук. – Караганда, 2006. – С. 22.

<sup>3</sup> Галимов Т.Р. Субъекты доказывания гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 2006. – С. 20.

<sup>4</sup> Самитов М.Р. Производство по рассмотрению и разрешению гражданского иска в российском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2006. – С. 31.

ЖПКда даъво талаблари билдириладиган шакл тўғрисидаги масала ҳал қилинмаган. Улар оғзаки тарзда ифодаланиши ва жабрланувчини сўроқ қилиш баённомасига қайд этилиши ёки ёзма шаклда билдирилиши ва терговчи томонидан иш материалларига тикиб қўйилиши мумкин. Даъво талабларининг ёзма шаклда билдирилиши ва даъво аризаси тақдим этилиши мақсадга мувофиқ. У фақат жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар битта шахс бўлмаган ҳолатларда, яъни даъво вояга етмаганларнинг, фуқаровий процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда процессуал муомалага лаёқатсиз ёки лаёқати чекланган деб тан олинган шахсларнинг, шунингдек бирор сабаб туфайли ўзининг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини мустақил ҳимоя қила олмайдиган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун ишлатилиши мумкин. Бундай шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича даъво уларнинг қонуний вакили ёки прокурор томонидан, давлат манфаатларини ҳимоя қилишда эса, прокурор томонидан тақдим этилиши мумкин<sup>1</sup>.

Жиноят ишлари юритувида фуқаровий даъвони кўриб чиқишнинг учинчи процессуал асоси жиноят-процессуал кодексда фуқаровий даъвонинг жиноят иши билан бирга кўриб чиқилиши талаб этилмаслиги билан боғлиқ. Жиноят туфайли зиён кўрган шахснинг хоҳишига кўра даъво фуқаровий суд юритиш тартибида ҳам арз қилиниши мумкин. Аммо, агар даъво фуқаролик судига берилган ва суд уни қаноатлантиришни рад қилган бўлса, даъвогар ушбу даъво билан иккинчи марта жиноят ишига арз қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Диспозитивлик тамойилига мувофиқ даъвогар даъводан воз кечиши мумкин. Жавобгар даъвони тан олиш ҳуқуқига эга. Тарафлар ишни келишув битими билан тугатишлари мумкин. Агар фуқаролик ишида даъвогар ўз даъводан воз кечса ёки жавобгар билан келишув битими тузса ва бу ҳақида қонуний кучга кирган суд ажрими мавжуд бўлса, у жиноят иши процессига яна даъво билан арз қилиш

---

<sup>1</sup> Дык А.Г. Проблемы, связанные с институтом предъявления прокурором гражданского иска в уголовном процессе в пользу третьих лиц // Вестник ОГУ. – 2005. – №3. – С. 46-47.

хуқуқига эга эмас. Демак, даъвогарнинг даъводан воз кечганлигини қабул қилиш ёки тарафларнинг келишув битимини тасдиқлаш тўғрисида қонуний қучга кирган суд ажрими жиноят иши процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқилишига йўл қўймайдиган ҳолат бўлиб хизмат қилади. Бу даъвони қаноатлантириш тўғрисида қонуний қучга кирган суд қарорига ҳам тааллуқлидир<sup>1</sup>.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишнинг тўртинчи асоси – даъвогарнинг процессуал ҳуқуқ ва муомала лаёқати мавжудлигидир. Процессуал ҳуқуққа лаёқатли дейилганда, шахснинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиш хусусиятлари тушунилади<sup>2</sup>. Барча фуқаролар тенг даражада процессуал ҳуқуққа лаёқатли ҳисобланади. Шунингдек, фуқаро жиноий-процессуал муомала лаёқатига ҳам эга бўлиши, яъни жиноят иши процессида ўзининг ҳуқуқларини шахсан амалга ошириши ёки ишни юритишни вакилига топшириши мумкин. Муомалага лаёқатсиз шахс томонидан билдирилган фуқаровий даъво кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди<sup>3</sup>. Бироқ, жиноий ҳуқуқ ва жиноят иши процессида муомалага лаёқатли тушунчаси мавжуд эмас. Жиноят ҳуқуқида муомалага лаёқатли тушунчаси ўрнига ақли расолик ва жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёш тушунчалари кўлланилади. Қонун чиқарувчи жиноий ва жиноят-процессуал ҳуқуқда муомалага лаёқатлилиқ масалаларига эътибор қаратиши лозим, акс ҳолда фуқаровий, фуқаровий-процессуал, жиноят ва жиноят-процессуал ҳуқуқ қоидалари ўртасида номувофиқликлар юзага келади. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 27-моддасига биноан ёши 14 дан 18 гача бўлган вояга етмаган шахслар битимлар ва бошқа хатти-ҳаракатларни ота-онасининг ёзма тарздаги розилиги билан ўз номларидан амалга

<sup>1</sup> Золотая Е.А. Исковой способ защиты имущественных прав лиц, нарушенных преступлением: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 2006. – С. 42.

<sup>2</sup> Абдрахманов М.Х. Процедура признания юридических лиц потерпевшими и гражданскими истцами в уголовном процессе // Право. – 2008. – №310. – С. 105.

<sup>3</sup> Самитов М.Р. Производство по рассмотрению и разрешению гражданского иска в российском уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2006. – С. 11.; Бобров К.О. Гражданский иск в уголовном судопроизводстве как средство эффективной защиты человека // Российский судья. – 2008. – №5. – С.22.

оширишади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 27-моддасида шахсларнинг муомалага лаёқатлилики чегараси шу тарзда белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 56-модда 2-қисмида вояга етмаганлар ёш гуруҳларига ажратилмайди. Ушбу қоидага кўра даъво ни уларнинг номидан қонуний вакиллари ёки прокурор тақдим этиши мумкин.

А.Клейменов таъкидлаганидек, “жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатиш орқали манфаатдор шахслар (фуқаровий даъвогар ёки прокурор) жиноят туфайли етказилган моддий зарарни қоплашга бўлган ҳуқуқ амалга оширилади”<sup>1</sup>. Бу борада, О.А.Тарнавскийнинг мулоҳазалари ўринли бўлиб, унинг ёзишича, “прокурор томонидан учинчи шахслар манфаатлари кўзланиб, фуқаровий даъво кўзғатилганда, фуқаровий даъвогар бўлиб, прокурор эмас, балки ушбу даъво манфаатларини кўзлайдиган юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади. Айнан ушбу шахслар ўз субъектив ҳуқуқларини муҳофаза қилишга муҳтож бўлган ва низоли моддий-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари бўлиб ҳисобланадилар ҳамда суднинг прокурор томонидан кўзғатилган фуқаровий даъвоси бўйича қабул қилган қароридан келиб чиқадиган моддий-ҳуқуқий муносабатлар ҳам бевосита мазкур шахсларга нисбатан татбиқ этилади”<sup>2</sup>. Муаллиф ўз фикрини давом эттириб, “Прокурорнинг даъво ни қўллаб-қувватлаши унинг давлат айбловчиси сифатидаги фаолиятининг бир қиррасини намоён этади: у даъво ни қўллаб-қувватлайди, зеро, у айбловни ҳам қўллаб-қувватлайди ва шу муносабат билан фуқаровий даъво ни ҳам қўллаб-қувватлайди”<sup>3</sup>, деб ёзади.

Д.К.Боков таъкидлаганидек, прокурорнинг жиноят процессида давлат манфаатларини ҳимоя қилиб фуқаровий даъво кўзғатиши деганда,

<sup>1</sup> Клейменов А. Кто является гражданским ответчиком по делам о налоговых преступлениях // Российская юстиция. – Москва, 2001. – №8. – С. 40.

<sup>2</sup> Тарнавский О.А. Уголовно-процессуальный механизм предъявления и разрешения гражданского иска в уголовном деле: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: УГЮА, 2000. – С. 60-61.

<sup>3</sup> Тарнавский О.А. Роль прокурора в рассмотрении и разрешении гражданского иска в уголовном процессе // Современная преступность: состояние, тенденции, средства преоделения: Материалы Всероссийской научно-практической конференции 22-23 апреля 1999 года. – Екатеринбург, 1999. – С. 88.

прокурорнинг жиноятдан мулкий зарар кўрган давлат ва жамият мафнаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва улар ҳаракати учун мулкий жавобгар бўлган бошқа шахсларга нисбатан қаратилган ва белгиланган процессуал шаклда ифодаланадиган етказилган зарарни қоплаш бўйича судга қаратилган ҳамда жиноят иши бўйича биргаликда ёки фуқаролик суд иш юритуви тартибида ҳал қилинадиган талабидир<sup>1</sup>.

Прокурорга жиноят суд иш юритувида давлат манфаатларини ҳимоя қилиб, регресс даъво билан чиқиш ҳуқуқини тақдим этиш зарур бўлиб, бу: давлатнинг мулкий талабларини ўз вақтида ҳал қилишга; давлат айбловчилари эътиборини давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида кўзғатилган фуқаровий даъвони ҳал қилиш бўйича судга ёрдам кўрсатишга қаратишга; жиноят суд иш юритуви самарадорлигини ва суд нуфузини оширишга хизмат қилади<sup>2</sup>. Биз ҳам ушбу фикрга қўшилган ҳолда, унга қўшимча сифатида ҳукмнинг фуқаровий даъвога тааллуқли қисми ижросини таъминлаш мақсадида **прокурорни судгача босқичда жиноят иши бўйича судга гумон қилинувчи ёки айбланувчи мол-мулкни хатлаш тўғрисида мурожаат этишга ваколатли бўлган субъектлар доирасига киритиш** мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, ҳукмнинг фуқаровий даъвога тааллуқли қисми ижроси шахснинг бузилган мулкий ҳуқуқларини тиклашда муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаровий даъво предмети ҳам ушбу тадқиқот доирасида алоҳида ўрганилишни тақозо этади. Хусусан, процессуалист олимлар “жиноят процессида фуқаровий даъво предмети” ва “жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича исбот қилиш предмети” тушунчаларини бир хил деб ҳисоблашган<sup>3</sup>. Чунки, ЖПК 457-моддасига мувофиқ, суд ҳукми қонуний,

<sup>1</sup> Боков Д.К. Гражданский иск прокурора в уголовном процессе в защиту интересов государства: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2012. – С. 6.

<sup>2</sup> Супрун С.В. Возмещение по уголовному делу имущественного вреда в порядке регресса // Уголовное право. – 2010. – №3. – С. 94.

<sup>3</sup> Азаров В.А. Защита имущественных интересов потерпевших от преступлений: законотворчество и законодательные реалии // Вестник Омского университета. – 2005. – №2(3). – С. 130-141; Кипнис Н.М. Проблемы гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Lex Russica. Научные труды Московской

асосланган ва адолатли бўлиши, ҳукм чиқараётганда суд томонидан фуқаровий даъвони қаноатлантириш керакми, кимнинг фойдасига, қандай миқдорда деган масалалар ҳал қилинади. Шундай қилиб, фуқаровий даъво предметига кирадиган ҳар бир ҳолат ҳукм чиқарилаётганда исбот қилиниши ва асосланиши керак.

Жиноят процессида фуқаровий даъво жабрланувчининг мулкӣ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усули ҳисобланади<sup>1</sup>. Бевосита жиноят орқали етказилган зиён, ЖПК 54-моддасига биноан, жисмоний, мулкӣ ва маънавий бўлиши мумкин. Демак, жиноят процессида фуқаровий даъво нафақат жабрланувчининг мулкӣ, балки шахсий номулкӣ ҳуқуқлари ва номоддий бойликларини, шунингдек унинг жиноят туфайли бузилган мулкӣ ва шахсий қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш усули ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш шакли – бу жиноят иши бўйича суд ишини юритишда фуқаровий даъвони тақдим этишдир<sup>2</sup>.

Жиноят иши бўйича суд ишини юритишда тақдим этилган фуқаровий даъвони суд томонидан тўғри, имкон қадар тез кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши, суд ҳукмининг фуқаровий даъво бўйича қисми тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши, шунингдек жабрланувчи томонидан тақдим этилган ёки тақдим этилиши мумкин бўлган фуқаровий даъвони ҳисобга олган ҳолда жиноят туфайли етказилган зиённи жиноят ишини юритишнинг судгача бўлган босқичларида ихтиёрий равишда қопланиши ҳимоя воситалари ҳисобланади<sup>3</sup>.

А.В.Тимошенко фуқаровий даъвони бевосита жиноят туфайли зиён

государственной юридической академии. – 2005. – №4. – С. 774.; Славгородских Т.А. Доказывание обстоятельств гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве. – Оренбург, 2003. – С.32.

<sup>1</sup> Николаев Е.М. Восстановление прав и законных интересов потерпевших в уголовном судопроизводстве. – М., 2010. – С. 74.

<sup>2</sup> Божьев В.П. Гражданский иск в уголовном процессе // Законность. – Москва, 2004. – №7. – С. 3.; Багаутдинов Ф.Н. Пределы действия гражданского иска в уголовном процессе стоит расширить // Российская юстиция. – Москва, 2003. – №3. – С.38.

<sup>3</sup> Самарин В.И. Гражданский иск в уголовном процессе Республики Беларусь. – Ч.1: Сущность и значение гражданского иска в уголовном процессе. Основание и предпосылки гражданского иска в уголовном процессе // Беларусь. Технология 3000 / ООО “ЮрСпектр”, Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь. – Минск, 2012. – С. 34.

кўрган шахснинг ёки унинг манфаатлари учун даъво тақдим этган прокурор вакилининг етказилган зиёни ундириш тўғрисида айбланувчига ёки унинг хатти-ҳаракатлари учун мулкӣ жавобгар бўлган шахсларга нисбатан жиноятни очиш бўйича шуғулланаётган органларга тақдим этиладиган ва судда жиноят иши билан биргаликда ҳал қилинадиган моддий-ҳуқуқӣ талаби сифатида таърифлайди. Ушбу тушунчадан келиб чиқиб, А.В.Тимошенкога кўра, фуқаровий даъво предмети – бу мулкӣ зиён, жисмоний ва (ёки) маънавий зарарни ундириш тўғрисида судга тақдим этилган моддий-ҳуқуқӣ талаб. Зиёни ундириш тўғрисидаги талаб судгача бўлган босқич, шунингдек жиноят иши процессининг бошқа босқичлари билан чекланмайди, балки суд ҳукмининг фуқаровий даъво қисми бўйича ижроси таъминлангунга қадар мавжуд бўлади<sup>1</sup>.

Шундай экан, жиноят процессида фуқаровий даъво предмети бевосита жиноят туфайли фуқарога ёки юридик шахсга жисмоний, мулкӣ ва ёки моддий зиён етказилганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи, ва жиноят иши бўйича тақдим этилган фуқаровий даъвони суд томонидан тўғри, имкон қадар тез кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши, суд ҳукмининг фуқаровий даъво бўйича қисми тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилиши учун зарур бўлган, шунингдек жабрланувчи томонидан тақдим этилган ёки тақдим этилиши мумкин бўлган фуқаровий даъвони ҳисобга олган ҳолда жиноят туфайли етказилган зиёни жиноят ишини юритишнинг судгача бўлган босқичларида ихтиёрий равишда қопланганлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи барча ҳолатлар ташкил этади<sup>2</sup>.

Фуқаровий даъво бўйича исбот қилиш предмети таркибига кирувчи ҳолатлар тизими тўғрисидаги масала ҳам баҳсли мунозараларга сабаб бўлмоқда<sup>3</sup>. М.А.Аббаслы унга қуйидагиларни киритади: а) ҳар қайси алоҳида ҳолатда аниқ кўринишдаги зиён етказган хатти-ҳаракатлар; б)

<sup>1</sup> Тимошенко А.В. Теоретические и практические вопросы гражданского иска в предварительном расследовании: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. Челябинск, 2002. – С.9-10.

<sup>2</sup> Божьев В.П. Гражданский иск в уголовном деле как предмет уголовно-процессуальных отношений // Российский следователь. – 2011. – №16. – С. 16-17.

<sup>3</sup> Славгородских Т.А. Доказывание обстоятельств гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве. Оренбург, 2003. – С.34-37.

шахсга ёки мулкка етказилган аниқ кўринишдаги зиённинг мавжудлиги; в) жиноий жавобгарликка тортилган шахснинг хатти-ҳаракатлари ва зиён ўртасидаги сабабий боғланишнинг мавжудлиги; г) зиён етказган шахснинг айби; д) жабрланувчининг ғаразли нияти ёки эҳтиётсизлиги, агар эҳтиётсизликка йўл қўйилган бўлса, унинг даражаси; е) зиён етказган фуқаронинг мулккий ҳолати; ж) етказилган зиённинг миқдори; з) моддий зиён кўрган шахс ва фуқаровий даъвогар сифатида тан олиниши мумкин бўлган шахс; и) даъво бўйича моддий жавобгар бўлган шахс; к) айбланувчи томонидан етказилган моддий зиёнда фуқаровий жавобгарнинг айби; я) фуқаровий жавобгарнинг мулккий ҳолати<sup>1</sup>.

Ушбу таклифлардан кўриниб турибдики, сўз жабрланувчининг нафақат жиноят туфайли кўрган моддий зиёни ҳақида, балки бошқа турдаги зиёнлар тўғрисида ҳам бўлиши керак. Айбланувчининг хатти-ҳаракатлари учун фуқаровий жавобгарнинг жавобгарлиги моддий эмас, балки мулккийдир. Бу ҳақида адабиётларда ҳам қайд этилган<sup>2</sup>.

А.Г.Феногенов, ўз навбатида, жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича исбот қилиш предметиға тааллуқли ҳолатлар рўйхатиға қонун ёки шартномаға биноан кўриб чиқиш учун қабул қилинадиган регресс талаблар билан боғлиқ бўлган ва фуқаровий даъвони қўзғатиш учун процессуал асослар мавжудлигини ифодаловчи қуйидаги ҳолатларни киритишни таклиф қилади.

Муаллифнинг фикриға кўра, жиноят процессида фуқаровий даъвоға тааллуқли ҳолатлар рўйхати қуйидаги ҳолатларни ўз ичига олади: фуқаровий даъвони тақдим этиш учун процессуал асосларнинг мавжудлигини кўрсатувчи; жиноят, унинг оқибатлари ҳамда жиноят ва унинг оқибатлари ўртасидаги сабабли боғлиқликни ифодаловчи; фуқаровий даъвогар деб тан олиниши мумкин бўлган ва фуқаровий жавобгар сифатида жавобгарликка тортилиши мумкин бўлган шахсни

<sup>1</sup> Аббаслы М. Гражданский ответчик в (досудебном) уголовном судопроизводстве // Bakı universitetin xeberleri. – Баку, 2005. – №3. – С. 92-93.

<sup>2</sup> Семин А.В., Кузнецова Н.В. Обеспечение возмещения причиненного преступлением вреда. – Ижевск, 2003. – С. 28-29.

кўрсатувчи; айбланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг айбини тасдиқловчи; зиённинг юзага келиши ва ошишида айбланувчининг айби борлигини тасдиқловчи; жиноят иши процессида регресс талаблар учун асос бўлувчи; айбланувчининг мулкӣ ҳолатини кўрсатувчи<sup>1</sup>.

Рўйхатдаги охирги ҳолатга келадиган бўлсак, ҳақиқатан ҳам ФК 1004-моддасида зарар етказган фуқаронинг жавобгарлик миқдорини камайтиришга йўл қўювчи ҳолатлар жумласига унинг оғир мулкӣ ҳолати киритилган. Жавобгарликни камайтирувчи ушбу асосни қўллаш учун зарар етказган фуқаронинг мулкӣ ҳолати зарар етказилган, яъни жиноят содир қилинган пайтда оғир бўлганлигини ёки зарар тўлиқ қоплаш натижасида унинг мулкӣ ҳолати оғирлашиши мумкинлигини кўрсатувчи ҳолатни исбот қилишнинг ўзи етарли. Бундай ҳолатлар сифатида судлар, одатда, шахснинг соғлиғи (ногиронлик гуруҳи ёки сурункали оғир касалликнинг мавжудлиги), оилавий ҳолати (қарамоғида одамлар борлиги), ёши (нафақа ёки нафақаолди ёшида) ва ҳ.к.ни эътиборга олишади.

ФК 1004-моддаси иккинчи қисмига кўра, суд томонидан фақат бевосита зарар етказган фуқаронинг оғир мулкӣ ҳолатини инобатга олишга йўл қўйилади. Шунга қарамасдан суд амалиётида ушбу қондани кенгроқ изоҳлаш ва зиён етказган шахснинг хатти-ҳаракати учун мулкӣ жавобгар бўлган фуқаро, яъни фуқаровий жавобгарнинг ҳам мулкӣ ҳолатини ҳисобга олиш йўлидан бормоқда. Бу жуда ўринли деб ҳисоблаймиз. Яна айбланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг оғир мулкӣ ҳолатини кўрсатувчи ҳолатлар унинг жавобгарлик миқдорини камайтириш учун етарлича асос бўлиб хизмат қилади. Аммо, фикримизча, юридик адабиётларда айтилган айбланувчи (фуқаровий жавобгар) нинг мулкӣ ҳолати ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) нинг мулкӣ ҳолати ўртасидаги нисбатни аниқлаш ва фақат айбланувчи (фуқаровий жавобгар) томонида катта эҳтиёж бўлган тақдирда мулкӣ жавобгарлик миқдорини

---

<sup>1</sup> Фенюенов А.Г. Предмет доказывания при производстве по гражданскому иску в уголовном процессе: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Краснодар, 1998. – С.25-26.

камайтириш тўғрисидаги мулоҳазалар бутунлай тўғридир<sup>1</sup>.

Агар жабрланувчининг мулкӣ ҳолати айбланувчи (фуқаровий жавобгар)ники сингари ёки ундан ҳам оғир бўлса, суд томонидан мулкӣ жавобгарлик миқдорини камайтирилиши натижасида етказилган зиённинг бир қисми ундирилмай қолади. Яъни содир этилган жиноятнинг ушбу оқибатлари яна жабрланувчининг елкасига тушади. Бу эса қайси томондан карамайлик ноҳақлик деб ҳисоблаймиз: уларнинг эҳтиёжлари бир хил (ёки унинг мулкӣ ҳолати янада оғирроқ), лекин жиноятни у содир этмади, зиённинг юзага келишида унинг айби йўқ. Шунинг учун, жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича исбот қилиш предметиға нафақат айбланувчи (фуқаровий жавобгар)нинг, балки жабрланувчининг ҳам мулкӣ ҳолатини кўрсатувчи ҳолатларни киритишни таклиф қиламиз.

В.Я.Панарин томонидан исбот қилиш предметиға киритилган ҳолатлар рўйхатида айбланувчи ва жабрланувчининг айбини тасдиқловчи ҳолатлар кўрсатилган. Жиноят туфайли етказилган зиён учун мулкӣ жавобгарлик миқдорини белгилашда нафақат айбланувчи (фуқаровий жавобгар) ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) нинг айбини тасдиқловчи ҳолатлар, балки уларнинг айби даражасини ифодаловчи ҳолатлар ҳам эътиборга олинishi керак<sup>2</sup>. Бу ҳақда ФКнинг 1021-моддаси, 1004-моддасида тўғридан-тўғри кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида” ги Қарорининг 1-бандида фақат “жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси” тушунчасига изоҳ берилган. Жумладан, жиноятнинг ижтимоий хавфлилик хусусияти суд томонидан белгиланган тажовуз объекти, айб шакли ва жиноятнинг Жиноят кодексига биноан қайси жиноят тоифасига киритилишиға қараб жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси эса жиноят содир этилган ҳолатлар (масалан, жиноий

<sup>1</sup> Кузнецова Н.В. Проблемы компенсации морального вреда в уголовном процессе: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 1997. – С. 107-108.

<sup>2</sup> Панарин В.Я. Защита имущественных прав личности в уголовном процессе Российской Федерации: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Воронеж, 1994. – С. 14.

мақсаднинг амалга ошиш даражаси, жиноятни содир этиш усули, етказилган зарар миқдори ва жиноят оқибатларининг оғирлиги, биргаликда содир этилаётган жиноятда судланувчининг тутган ўрни) бўйича аниқланади<sup>1</sup>.

Процессуал адабиётларда фуқаровий даъво бўйича исбот қилиш предметига доир бошқа мулоҳазалар ҳам айтиб ўтилган. Д.К.Боковнинг фикрига кўра, судланувчи томонидан содир этилган жиноят (жиноятлар) туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдорини аниқлашда исбот қилиш предметига қуйидагилар киради: шахсни фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка (жиноий-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари) тортиш учун бошқа асослар (вояга етмаган судланувчиларга нисбатан қариндошчилик факти, фарзандликка олиш факти, васийлик ва ҳ.к.); зиён етказилган ҳолатлар (масалан, жабрланувчининг айби борлиги ёки йўқлиги, унинг индивидуал хусусиятлари; битта шахс томонидан турли жиноятлар орқали етказилган зиён миқдорини тасдиқловчи ҳолатлар; айбдорнинг моддий ҳолати; жавобгарлик турини аниқлашга таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (субсидиар ёки солидар); етказилган зиёнда вояга етмаган судланувчиларнинг ота-онаси ёки васийларининг айбини истисно қилувчи ҳолатлар<sup>2</sup>.

Т.Р.Галимов жиноят процессида фуқаровий даъвони исбот қилиш предметига тааллуқли ҳолатлар рўйхатига қуйидагиларни киритади: жиноятни, унинг зиёнли оқибатларини, уларнинг турларини (жиноят туфайли етказилган зиённинг тури – мулкӣй, жисмонӣй, маънавий) ҳамда жиноят ва унинг оқибатлари ўртасидаги сабабли боғлиқликни баҳоловчи; фуқаровий даъвогар деб тан олинishi мумкин бўлган шахсни ва фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилинishi мумкин бўлган шахсни кўрсатувчи (бунга шахсни фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка (жиноий-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари) тортиш учун бошқа асослар (вояга

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991–1998. – Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 165.

<sup>2</sup> Боков Д.К. Гражданский иск прокурора в уголовном процессе в защиту интересов государства: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2012. – С. 19.

етмаган судланувчиларга нисбатан қариндошчилик факти, фарзандликка олиш факти, васийлик ва ҳ.к.)ни киритиш лозим); айбланувчи ва фуқаровий жавобгарнинг айбини баҳоловчи (унинг борлигини тасдиқловчи, унинг шакли ва турини, даражасини аниқловчи ва ҳ.к.); зарар етказилган ҳолатлар (масалан, жабрланувчининг индивидуал хусусиятлари кадр-қиммат, иззат-нафсга тегадиган, хизматдаги обрўга путур етказадиган мадумотларни тарқатиш ҳолатлари), ва зиённинг юзага келиши, унинг миқдори ва даражасининг ошишида жабрланувчининг айби борлигини кўрсатувчи ҳолатлар; фуқаровий даъвони қўзғатиш учун процессуал асосларнинг мавжудлигин тасдиқловчи; жиноят иши процессида регресс талабларга асос бўлиб хизмат қилувчи; айбланувчи (фуқаровий жавобгар), шунингдек жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) нинг мулкӣ ҳолатини баҳоловчи; жавобгарлик турини аниқлашга таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (ҳиссали, солидар ёки субсидиар); ҳукмнинг фуқаровий даъво қисмини ижро этилишига таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (жумладан, битта шахс томонидан турли жиноятлар орқали етказилган зиён миқдорини тасдиқловчи ҳолатлар)<sup>1</sup>.

Юридик адабиётда анча аввалдан жиноят процессида фуқаровий даъвони такдим этиш чегараларини кенгайтириш тўғрисида таклифлар билдирилмоқда. С.Л.Емельянов ушбу масала юзасидан қатор таклифларни киритган: жиноят иши процессида эр-хотинлардан бирининг, агар иккинчиси бирор жиноят содир этса, болани олиб қўйиш тўғрисидаги даъвони кўриб чиқиш ҳақида; зўрлаш ёки балоғат ёшига етмаган шахс билан жинсий алоқада бўлиш натижасида туғилган болани боқиш ва тарбиялаш учун алимент ундириш ҳақида ва ҳ.к.<sup>2</sup>

Р.М.Пыталев агар ташкилотларнинг иззат-нафси ва кадр-қимматида дахл қилувчи маълумотларнинг тарқатилиши жиноят содир этилиши билан боғлиқ бўлса, уларга ўзининг иззат-нафси ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш

<sup>1</sup> Галимов Т.Р. Субъекты доказывания гражданского иска в уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 2006. – С.5-6.

<sup>2</sup> Емельянов С.Л. Проблемы реализации исковой формы защиты прав в уголовном процессе. – Гомель: УО ГГУ им. Ф.Скорины, 2006. – С. 47.

учун имконият бериш зарурлигини тан олди<sup>1</sup>.

А.Загоровский жиноят процессида фуқаровий даъвони тақдим этиш чегараларини кенгайтириш, бунинг учун уларга жиноят йўли билан ноқонуний тарзда топилган мулкни ундириш тўғрисида; болани олиб қўйиш ва ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш тўғрисида; никоҳни бекор қилиш тўғрисида; фуқароларнинг иззат-нафси ва кадр-қимматида дахл қилувчи маълумотларни рад қилиш тўғрисида; биргаликда яшаш имконияти йўқлиги сабабли уйдан чиқариб юбориш тўғрисида; битимларни бекор қилиш тўғрисида; жиноят билан боғлиқ барча ҳолатларда регресс талабларни қаноатлантириш тўғрисидаги даъволарни қўшишни таклиф этади<sup>2</sup>. Ҳуқуқий ҳолатидан қатъий назар, жиноят иши процесси қатнашчиси, биринчи навбатда, инсон ва фуқаро ҳисобланади, унинг манфаатлари давлат томонидан ҳимоя қилиниши шарт<sup>3</sup>.

Юқорида келтирилганлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин: **“жиноят процессида фуқаровий даъво деганда, жиноят ёхуд ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд унинг ёки давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб прокурорнинг жинойий таъқиб остидаги шахс ёки моддий жавобгар шахсга нисбатан етказилган зарарни қоплаш учун билдириладиган моддий-ҳуқуқий аҳамиятдаги талаби тушунилади”**.

## **2. Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг ҳуқуқий асослари**

Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича суд фаолиятининг ҳуқуқий асослари қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган. Шунинг учун ҳам, жиноятдан жабрланганлар

<sup>1</sup> Пыталев Р.М. Гражданский иск в уголовном процессе: предъявление, доказывание, рассмотрение. – Минск: Амалфея, 2003. – С. 24.

<sup>2</sup> Загоровский А. Актуальные вопросы рассмотрения гражданского иска в уголовном процессе // Законность и правопорядок. – 2012. – №3(23). – С. 62-63.

<sup>3</sup> Неретин Н.Н. К вопросу о предъявлении гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Российский судья. – Москва, 2012. – №1. – С. 38.

хуқуқларининг, шу жумладан жиноят туфайли етказилган зарарни ундириш бўйича халқаро-хуқуқий стандартлар мавжудлиги тўғрисида гапира оламиз.

Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 40/34-сонли резолюцияси билан 1985 йил 29 ноябрда қабул қилинган “Жиноят ва мансабни суиистеъмол қилишдан жабрланганлар учун одил суднинг асосий тамойиллари” Декларациясида қайд этилишича, “Суд ва маъмурий ҳаракатлар кўпроқ жабрланганларнинг эҳтиёжларига жавоб беришига эришиш, бунинг учун қуйидагилар амалга оширилиши лозим: а) жабрланганларга уларнинг тутган ўрни ва суд ишининг ҳажми, ўтказиш муддати ва жараённинг бориши, уларга доир ишларни кўриб чиқиш натижалари тўғрисида маълумотлар бериш; б) жабрланганларнинг шахсий манфаатларига дахл қилинган ҳолатларда, айбланувчига зарар етказмаган ҳолда ва тегишли миллий жиноят ҳуқуқи тизимига биноан суд ишининг тегишли босқичларида уларнинг фикр ва истакларини баён этиш ва кўриб чиқиш имкониятини таъминлаш; в) суд иши давомида жабрланганларга зарур ёрдам кўрсатиш; д) жабрланганлар учун ноқулайликларни энг кам даражага келтириш, зарур ҳолларда, уларнинг шахсий ҳаётини ҳимоя қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек уларнинг оилалари ва улар томондан гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларни қўрқитиш ва қасос олишдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш; е) ишни кўриб чиқишни ва жабрланганларга бадал тўлаш тўғрисида қарор чиқаришни асоссиз кечиктирилишини олдини олиш” (Декларациянинг 6-банди).

Жиноят процессида фуқаровий даъво субъектлари фаолиятининг ҳуқуқий асосида халқаро-хуқуқий ҳужжатлар асосида ва уларнинг қоидаларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси муҳим ўрин тутди. Асосий Қомусимизнинг мулк ҳуқуқи дахлсизлиги, шахсий дахлсизлик, суд муҳофазасида бўлиш каби принципиал қоидалари ўз навбатида жиноят процессида фуқаровий даъво учун бирламчи ҳуқуқий манбалар бўлиб хизмат қилади.

Кўриб чиқилаётган муносабатларнинг ҳуқуқий асосини ривожлантиришдаги кейинги қадам 1994 йилда ЎзР ЖПКнинг қабул қилиниши бўлди. ЎзР ЖПКнинг 33-бобда жиноят процессида фуқаровий даъво масалалари алоҳида тартибга солинган. Хусусан, унда жиноят процессида кўриладиган фуқаровий даъволар (275-модда), фуқаровий даъвони кўзғатиш (276-модда), фуқаровий даъвогар деб эътироф этиш (277-модда), ишда фуқаровий жавобгар тариқасида иштирок этишга жалб қилиш (278-модда), прокурорнинг фуқаровий даъвони кўзғатиши ва уни қувватлаши (279-модда), жиноят процессида фуқаровий процессуал қонун ҳужжатларидаги қоидаларининг қўлланиши (280-модда), зиённи ундириш асослари, шарт-шароити, ҳажми ва усули тўғрисидаги қоидаларининг қўлланилиши, даъво муддати (281-модда), даъвони тан олиш, тарафларнинг ўзаро келишуви ва даъводан воз кечиш оқибатлари (282-модда), суднинг фуқаровий даъвога оид ҳукми ва ажрими (283-модда) жиноят нарсаларини давлат эгалигига ўтказиш (284-модда), жиноий йўл билан орттирилган мол-мулкнинг бундан буён кимга тегишли бўлишини белгилаш (285-модда), ҳукмнинг фуқаровий даъво ва бошқа мулкий ундиришлар билан боғлиқ қисмини ижро этиш (286-модда) масалалари ўз аксини топган.

Таъкидлаш лозимки, ЖПКда жиноят процессида фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларидаги қоидаларнинг қўлланиши мезонлари белгилаб берилган. Унга кўра, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фуқаровий даъво бўйича иш юритиш ЖПКда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво бўйича юзага келадиган процессуал муносабатлар ЖПК билан тартибга солинмаган бўлса, унда жиноят процесси принципларига ҳилоф бўлмаган фуқаровий-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади.

Бу борада процессуал адабиётларда ҳам фуқаровий даъвони кўриб чиқиш моҳиятан алоҳида ишлиги ва унинг тартиби фуқаролик процесси қоидалари билан батафсил тартибга солинганлигини ҳисобга олиш

лозимлиги қайд этилган<sup>1</sup>. Қонун чиқарувчи томонидан жиноий ва фуқаролик ишларини жиноят иши доирасида бирлаштириш мумкинлиги кўзда тутилиши ФПК қоидаларига риоя қилинишини йўққа чиқармайди. Бунда улар жиноят иши процесси қоидаларига (бу ҳолатда улар устувор ҳисобланади) зид бўлмаган доирада қўлланилиши керак.

Фуқаровий даъвони тақдим этиш, уни асослаш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишнинг мақсади – жиноят туфайли етказилган зиённи қоплашдир. Ушбу вазифани амалга ошириш воситалари жиноят-процессуал қоидаларда белгиланган. Бу вазифа жиноят иши процессига хос бўлган шакл ва усуллар ёрдамида жиноят-процессуал тартибда бажарилади. Жиноят-процессуал ҳуқуқ қоидалари даъво талаби билан мурожаат қилиш тартиби, унинг асослари, дастлабки тергов, тергов, суд органларининг уларга нисбатан тегишли ҳаракатлари бўйича мажбуриятини ҳам белгилаб беради.

Фуқаровий даъвога тааллуқли жиноят-процессуал муносабатлар жиноят содир этилиши келтириб чиқарадиган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, уларнинг шакли ҳисобланади. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларнинг мавжуд бўлмаслиги фуқаровий даъво бўйича олиб бориладиган суд иши натижасида юзага келадиган жиноят-процессуал муносабатларни предметсиз қолдиради.

Фуқаровий даъво фуқаровий-процессуал ҳуқуқнинг таркибий қисми бўлганлиги сабабли, жиноят процесси фанида фуқаровий даъво институти процессуал ҳуқуқнинг у ёки бу соҳасига тааллуқлилиги тўғрисида баҳс юзага келмоқда. Мазкур масала бўйича юридик адабиётларда учта қараш мавжуд:

1. Жиноят процессида фуқаровий даъво бир вақтнинг ўзида ҳам фуқаровий, ҳам жиноят процессуал ҳуқуқ институти ҳисобланади, яъни иккала соҳага тааллуқли бўлиб, соҳалараро институт бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Семенов В.А. Об эффективности гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Избранные статьи по уголовному процессу. – Краснодар: Просвещение-Юг, 2013. – С. 93.; Лившиц Ю.Д., Тимошенко А.В. Еще раз к вопросу о значении института гражданского иска в уголовном процессе // Сборник научных трудов. – Челябинск: Южно-Уральский государственный университет, 2004. – С. 99.

Материаллар бўйича – у фуқаровий, процессуал хусусиятига кўра эса, унга жиноий-процессуал институт сифатида қаралади<sup>1</sup>.

2. Жиноят фуқаровий даъво муайян шароитларда жиноий суд ишни юритишда фуқаровий-процессуал ҳуқуқ усуллари ёрдамида айрим мулкый муносабатларни тартибга солиш учун қўлланиладиган фуқаровий-процессуал институти ҳисобланади<sup>2</sup>.

3. Жиноят процессида фуқаровий даъво мустақил жиноий-процессуал ҳуқуқ институти ҳисобланади<sup>3</sup>.

Мазкур институтнинг муайян процессуал ҳуқуқ соҳасига тегишлилиги масаласини ҳал қилиниши муҳим аҳамиятга эга. Чунки жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш бўйича суд ишини тартибга солувчи тамойил ва қоидаларни белгилаш унга боғлиқ.

Фуқаровий даъво, фуқароларнинг субъектив ҳуқуқларини химоя қилишнинг муҳим усулларида бири сифатида, фуқаролик ва жиноят иши процессларида ягона ҳуқуқий тушунча ҳисобланади. Бу ҳулоса жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишнинг жиноят ишини юритиш хусусиятларидан келиб чиқувчи мавжуд хусусиятларига путур етказмайди. Бу ҳолатда фуқаровий даъво ҳукм чиқариш тўғрисидаги даъво бўлиб қолаверади. Бунда фуқаролик ва жиноят суд ишларини юритишда фуқаровий даъво фуқаролик ҳуқуқи ҳақидаги низони кўриб чиқишнинг алоҳида процессуал шакли сифатида қаралади.

Фақат жиноят туфайли етказилган зарарни қоплашга қаратилган баъзи ижтимоий муносабатлар жиноят-процессуал ҳуқуқни тартибга солиш предметига тааллуқли бўлса, уларнинг кўпчилик қисми фуқаролик процессуал ҳуқуқни тартибга солиш предметига киради. Қизиғи шундаки,

<sup>1</sup> Тутынин И.Б. К вопросу об обеспечении исполнения приговора в части гражданского иска // Актуальные проблемы уголовного судопроизводства: вопросы теории, законодательства, практики применения (к 5-летию УПК РФ): материалы междунар. науч.-практ. конф. – М.: Московская государственная юридическая академия, 2007. – С. 302.

<sup>2</sup> Воложанин В.П. Иск и предпосылки права на иск в уголовном процессе. Проблемы реформы гражданского процессуального права и практики его применения. // Межвузовский сборник научных трудов. – Свердловск, 1999. – С. 35-41.

<sup>3</sup> Туров С.Ю. Возмещение причиненного преступлением вреда как уголовно-процессуальная функция (теоретико-методологический анализ): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2013. – С. 11-12.

ушбу муносабатларнинг иккита ҳуқуқ соҳаси қоидалари билан тартибга солиниши ҳам хато ва камчиликлардан халос бўлиш ва аниқ жиноят ишларини кўриб чиқишда бошқа аналогларни қўллашдан воз кечишга йўл қўймайди<sup>1</sup>.

Даъво фуқаролик процесси институти, бузилган субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш воситаси бўлган ва шундай бўлиб қолади. Уни жиноят иши билан биргаликда кўриб чиқиш унинг табиатига таъсир қилмайди. Лекин, шу билан бирга, иш муҳокамаси қатор жиҳатлари билан ажралиб туради. Жиноят ва фуқаролик ишларини битта процессга бирлаштирилиши фуқаролик ишини иккинчи ўринга суриб қўяди, унга қарамлик табиатини берадики, бу тўғри эмас. Ишни биргаликда муҳокама қилиш унинг ҳар томонлама ва объектив кўриб чиқилишига, ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг оқибатларини бартараф этилишига ёрдам беради, жабрланувчининг ҳуқуқий кафолатларини кенгайтиради.

Жиноят процессида даъво ўзининг ҳуқуқий табиатига кўра, фуқаролик-процессуал институт бўлганлиги боис, даъвони жиноят суд иши тартибида кўриб чиқиш жараёнида суд, авваламбор, фуқаролик процессуал қонунчилик қоидаларига амал қилади. ЖПКга жиноят иши процессида фуқаролик ишларини кўриб чиқиш хусусиятлари қайд этилган.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ томонидан тартибга солинган соҳада фуқаровий даъво унинг фуқаролик-процессуал ёки соҳалараро эмас, балки моддий манфаатларни ҳимоя қилишнинг жиноят-процессуал усули деб ҳисоблашга имкон берувчи муайян хусусиятларга эга. Жиноят-процессуал ҳуқуқ қоидалари даъво талаби билан мурожаат қилиш тартиби, унинг асослари, субъектлар доираси ва таъминловчи хатти-ҳаракат турлари, шунингдек дастлабки тергов, тергов, прокуратура, суд органларининг уларга нисбатан тегишли ҳаракатлари бўйича мажбуриятини етарлича тўлиқ белгилаб беради. Ҳуқуқий тартибга солишда баъзи камчиликлар ҳам

<sup>30</sup> Милицин С.Д. Предмет регулирования советского уголовно-процессуального права. – Свердловск, 1991. – С. 63-64.

бор, лекин бу фуқаровий даъвони жиноят иши таркибида ёт нарса сифатида қараш учун асос бўла олмайди. Жиноят иши процессида фуқаровий даъвонинг муҳим хусусияти шундаки, фуқаролик процессида фуқаровий даъво унинг асосини ташкил этса, жиноят иши процессида фуқаровий даъво тўлиғича айбловдан келиб чиқади ва айбловга боғлиқ бўлади. Жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича суд ишини юритиш жиноят иши процессининг бир қисми ҳисобланади.

Шунинг учун, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асосларнинг йўқлиги жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишни ҳам йўққа чиқаради. Жиноят иши тугатилган ёки тўхтатилган, шунингдек ўзини билмайдиган ҳолатда ижтимоий хавfli жиноятни содир этган шахсларга нисбатан жиноят иши процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш рухсат этилмайди.

Битта процессда бир вақтда ҳам фуқаролик, ҳам жиноят ишларини кўриб чиқиш мумкинлиги исбот қилувчи материалларнинг умумийлиги, жиноий ва фуқаровий ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги(йўқлиги)ни аниқлашда иштирок этувчи субъектлар доирасининг битта бўлишига қараб белгиланади. Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқилиши ишнинг тўлиқроқ ўрганишга ёрдам беради. Лекин, шу билан бирга, жиноят процессида фуқаровий даъво фуқаролик суд иши тартибида ҳал қилинадиган даъводан анча фарқ қилади.

Шунингдек, “Суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси давомида ашёвий далиллар, моддий қимматликлар ва бошқа мол-мулкни олиб қўйиш (қабул қилиш), ҳисобга олиш, сақлаш, бериш, сотиш, қайтариш, йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномада<sup>1</sup> қайд этилишича, жиноий ишлар бўйича суриштирув, дастлабки ва суд тергови давомида суриштирувчи, терговчи ва суд фуқаровий даъвони таъминлаш

---

<sup>1</sup> Адлия вазирлиги томонидан 29.12.2010 й. 2174-сон билан рўйхатга олинган, 22.10.2010 й. Бош прокуратуранинг 14-к/қ-сон, Олий суднинг Қ-87-сон, Миллий хавфсизлик хизматининг 100-сон, Ички ишлар вазирлигининг 17-сон, Адлия вазирлигининг 16-сон, Мудофаа вазирлигининг 7-сон, Давлат божхона кўмитасининг 01-02/22-22-сон, Давлат солиқ кўмитасининг 2010-41-сон қарори билан тасдиқланган.

мақсадида ундирув қаратилиши мумкин бўлган миллий ва чет эл валютаси ҳамда бошқа қимматликларни олиб қўйишга ҳақли. Суриштирувчи, терговчи ва суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки уларнинг вакили аризасига асосан фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида ёхуд гаров тариқасида пул маблағлари ва товар-моддий қимматликларни ҳам қабул қилиб олади.

Йўриқномага кўра, фуқаровий даъвони таъминлаш учун ёхуд гаров тариқасида олиб қўйилган ёки қабул қилинган пулларни суриштирув, дастлабки тергов органи ёки суднинг депозит ҳисоб рақамига топшириш масаласи, пуллар олиб қўйилиши, қабул қилиниши биланоқ алоҳида қарор (ажрим) чиқариш орқали ҳал этилиши шарт. Фуқаровий даъвони таъминлаш учун ёки гаров тариқасида олиб қўйилган, қабул қилинган нарсаларни сақлаш учун топшириш масаласи ҳам шундай тартибда ҳал этилади.

Шунингдек, Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сон Қарорида ҳам фуқаровий даъво масалалари тартибга солинган. Унга кўра, жиноий ҳаракат оқибатида моддий зарар етказилган ҳар бир иш юзасидан ҳукм чиқаришда суд фуқаровий даъвони ҳал этиши, агар бундай даъво келтирилмаган бўлса, моддий зарарни ундириш ҳақидаги қарорни ўз ташаббусига кўра чиқариши мумкинлиги ҳақидаги масалани муҳокама қилиши лозимдир.

Олий суд Пленуми Қарорига мувофиқ, давлат корхона, муассаса ёки ташкилотига етказилган зарар қопланмаган ҳолларда суд фуқаровий даъвогарнинг даъводан воз кечиш ҳақидаги аризасини қабул қилишга ҳақли эмас. Дастлабки тергов давомида фуқаровий даъво талаби келтирилмаган бўлса, суд зарар кўрган шахсга ёки корхона, муассаса, ташкилотларга уларнинг судланувчига ёки қонун талабига кўра зарар учун моддий жавобгар ҳисобланувчи шахсларга нисбатан фуқаровий даъво

келтириш ҳуқуқларини тушунтириши лозим. Бундай даъво келтирилмаган тақдирда суд ўз ташаббуси билан жиноий ҳаракат натижасида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласини муҳокама қилиб, бу мажбуриятни маҳкум зиммасига юклаш ҳақида қарор чиқаришга ҳақлидир. Жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатмаган, шунингдек даъвоси кўрмасдан қолдирилган шахслар уни фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида кўзғатишга ҳақлидирлар<sup>1</sup>.

Жиноят иши процессида жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва ҳал қилишда фуқаровий, фуқаровий-процессуал, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг ҳуқуқий қоидаларини қўллаш мумкинлиги тўғрисидаги масала бошқача тарзда ҳал қилинади, деб ҳисоблаймиз. Ҳуқуқнинг бу соҳалари, авваламбор, моддий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, шунинг учун жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишда уларни қўллаш зарур. Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишнинг процессуал қоидалари ЖПК матнида тўлиқ ўз аксини топиши керак, деб ҳисоблаймиз. ЖПКнинг фуқаровий даъвога оид бобини такомиллаштириш масалалари хусусида ушбу илмий ишнинг учинчи бобида батафсил тўхталиб ўтамиз.

### **I боб бўйича хулоса**

Юқорида келтирилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Жиноят процессида фуқаровий даъво бошқа даъволар сингари иккита элемент – предмет ва асосга эга. Мулкий хусусиятга эга ҳуқуқий талаблар, шунингдек моддий зиённи қоплаш тўғрисидаги талаб фуқаровий даъвонинг предмети ҳисобланади. Даъвонинг асосини юридик фактлар ташкил этади, даъвогар эса улардан ўзининг талабларини шакллантиради, қонун даъвогар ва айбланувчи (фуқаровий жавобгар) ўртасида ҳуқуқий

---

<sup>1</sup> Олий суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сон Қарори // “Норма” Ахборот-кидирув тизими.

муносабатлар юзага келишини улар билан боғлайди.

2. Хукмнинг фуқаровий даъвога тааллуқли қисми ижросини таъминлаш мақсадида прокурорни судгача босқичда жиноят иши бўйича судга гумон қилинувчи ёки айбланувчи мол-мулкани хатлаш тўғрисида мурожаат этишга ваколатли бўлган субъектлар доирасига киритиш мақсадга мувофиқ.

3. Жиноят процессида фуқаровий даъво деганда, жиноят ёхуд ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд унинг ёки давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб прокурорнинг жиноий таъқиб остидаги шахс ёки моддий жавобгар шахсга нисбатан етказилган зарарни қоплаш учун билдириладиган моддий-ҳуқуқий аҳамиятдаги талаби тушунилади.

4. Жиноят процессида жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва ҳал қилишда фуқаровий, фуқаровий-процессуал, оилавий, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг ҳуқуқий қоидаларини қўллаш мумкинлиги тўғрисидаги масала бошқача тарзда ҳал қилинади, деб ҳисоблаймиз. Ҳуқуқнинг бу соҳалари, авваламбор, моддий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солади, шунинг учун жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишда уларни қўллаш зарур.

## **II БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ БОСҚИЧЛАРИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ВА ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ХУСУСИЯТЛАРИ**

### **1. Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида фуқаровий даъвони кўриб чиқишнинг процессуал тартиби**

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисми суд процессининг биринчи босқичи бўлиб, жиноят иши процессида алоҳида ўзига хос, яъни суд терговига қадар ташкилий - ҳуқуқий масаларни ҳал этувчи ролни бажаради. Бу эса ушбу босқичнинг аҳамиятини, унинг ўзига хос вазифалари ва қабул қилинадиган қарорларнинг хусусиятларини белгилайди.

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмининг суд муҳокамасида тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда, у икки хил хусусиятга эга, яъни ишни суд терговига бевосита кўрилишига нисбатан ҳам назорат қилувчи, текширувчи вазифани, ҳам тайёргарлик вазифасини бажаради ва бу босқичининг хусусиятлари унинг бутун жиноят суд ишини юритиш тизимида муҳим аҳамият ва ўринга эғалигини кўрсатади:

Суд муҳокамасининг тайёрлов қисмида келиб тушган даъво аризаси юзасидан турли ҳал қарорлар қабул қилиниши мумкин. Агар у кўриладиган бўлса, жиноят ишини судда кўрилаётганда кўшиб кўрилади. Агарда даъво аризасини қабул қилиш рад этилганда ёки даъво аризаси кўрилмасдан қолдирилганда ариза тушгандан кейин судья асосланган ажрим чиқаради ва у судга тақдим этилган ҳужжатлар билан бирга аризачига шахсан топширилади ёки жўнатилади. Агар судья аризачидан аризани олгандан сўнг ажрим чиқармаса, у аризачига ажримни қачон олиши мумкинлигини билдиради. Мана шу вазиятда ажрим қанча муддатда чиқартилиши мавҳумлик касб этади. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолатда "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги" Қонунидаги умумий муддатлардан келиб чиққан ҳолда, 10 кунлик муддатнинг белгиланиши

мақсадга мувофиқ.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишга тайёрлаш тўғрисидаги масалалар ечимининг яна бир варианты, бу ҳақида махсус қарор чиқариш билан бир қаторда, юқорида санаб ўтилган масалаларни жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда ҳал қилинишидир. Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари, фуқаровий даъвогар (лар) ва фуқаровий жавобгар (лар) бўйича ҳам қарор қабул қилиниши шарт. Одатда, бу даъво аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш тўғрисида кўрсатма ҳисобланади.

Бундан ташқари, қарорда, агар улар дастлабки терговда қабул қилинмаган бўлса, даъвони таъминлаш бўйича чоралар (жавобгарнинг мулкини хатга олиш ва ҳ.к.) ҳам белгиланиши лозим.

Айрим мураккаб жиноят ишларида даъво суд мажлиси даврида кўзҳатилиш ҳоллари учратилади. Иш судда кўриб бошланганидан сўнг жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили ёхуд прокурор бу ҳақда илтимоснома (ёки ариза) билан мурожаат қилишларини талаб қилади. Бу суднинг жабрланувчидан даъвонинг мавжудлиги хусусида хоҳиши борлигини сўрашдан соқит қилмайди. Боиси, дастлабки терговдаги ёки жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босчиқидаги даъводан воз кечилганлик ҳолати суддан томонидан атрофлича текширилмаса, келажакда оғир оқибатлар жумладан суд қарорининг бекор бўлишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Амалдаги ЖПК судга фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги масалани ўз ташаббуси билан ҳал қилиш имкониятини беради. Судья қарорда кўрсатмаган ҳолда ўзининг ташаббуси билан, шунингдек даъвогар ёки жавобгарнинг илтимосига кўра (агар улар ушбу босқич судга мурожаат қилишган бўлса) қўшимча материалларни сўраб олишга ҳақли. Бироқ айрим давлатлар судлов амалиётида бундай

ташаббуснинг судларда бўлмаслиги ёқлаб чиқилади<sup>1</sup>.

Судья келиб тушган даъво аризаси ишга қўшиш ёки уни рад қилиш масаласини ҳал қилишда тергов органлари билан ёзма тарзда боғланиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки жиноят ишини тергов органи томонидан тақдим қилинган ҳажми доирасида фаолият юритади. Жиноят ишлари ажратилган ва бўлиб-бўлиб судга тақдим қилинган ҳолларда келиб тушган даъво аризасининг тегишлилигини ҳал қилиши мушкул. Бундай вазиятларда ишни тергов қилган терговчи ва прокурорнинг судья учун мажбурий бўлмаган фикрини олиш мақсадга мувофиқ.

Шунинг учун, фуқаровий даъво бўйича маълумотлар етарлича тўлиқ бўлмаган шароитда барвақт қарор қабул қилмаслик учун судья жиноят иши бўйича ўзи юритаётган суд иши бўйича даъво аризасини қабул қилишни рад этиш имкониятидан деярли маҳрум бўлади. Агар даъвони судда кўриб чиқиш мумкин бўлмаса, у айблов эпизодларига тааллуқли бўлмаса, уни кўриб чиқиш рад этилади.

Судья тегишли жавобгар ва бирга жавоб берувчи шахслар тўғрисидаги масалани ҳам таҳлил қилиши лозим. Судья ушбу босқичда даъвогар ва унинг вакилини улар томонидан тақдим этилган талаблар моҳияти бўйича сўроқ қилиши, зарур бўлганда, улардан қўшимча далиллар тақдим этишларини таклиф қилиши, даъвогарга унинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши лозим. Фуқаровий даъволарни жиноят иши билан биргаликда кўриб чиқиш амалиётидан маълумки, бу ҳолатда ҳам судья ФПК қоидаларига асосан иш кўриш имкониятига эга бўлиб, фақат ташаббус даъвогар томонидан чиқиши керак.

Демак, хулоса қилиб айтганда, фуқаровий даъвони иш юритишга қабул қилиниши ва уни кўриб чиқиш учун тайёргарлик ҳаракатлари, жумладан фуқаровий даъвони исбот қилиш мажбуриятни тақсимланиши суд томонидан ҳал қилиниши керак. Яъни фуқаровий даъвони исбот

---

<sup>1</sup> Неретин Н.Н. К вопросу о предъявлении гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Российский судья. – Москва, 2012. – №1. – С. 38.

қилишда фуқаролик қонунчилик нормаларидан ўринли фойдалана олиш суъянинг маҳоратига боғлиқ бўлади. Гарчанд исбот қилишга жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор органлариша зиммасида бўлса ҳам, судда ишни тўғри ташкил этиш учун фуқаровий даъвогарга тегишли ҳужжатларни тақдим қилиш ва гувоҳларни чақиртириш хусусида судьянинг тушунтириш бериши суд мажлисини яхши ташкиллаштиришга хизмат қилади.

## **2. Биринчи инстанция судида фуқаровий даъвони ҳал қилишнинг процессуал хусусиятлари**

Биринчи инстанция судида судланувчига кўйилган айблов ўрганилади, судланувчининг жиноят содир этилишида айбдорлиги ёки айбсизлиги, жиной жазо тайинлаш билан бир қаторда жиноят иши бўйича киритилган фуқаровий даъво масаласи ҳам ҳал қилинади. Ушбу вазифаларини амалга ошириш учун қонунда суд муҳокамасининг умумий шартлари кўзда тутилган бўлиб, улар суд процесси мақсадларига эришиш учун мақбул ҳолатни таъминлаш учун хизмат қилади.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 50-бобида суд муҳокамасининг барча умумий шартлари кўрсатилган. Масалан, бундай шартлар сифатида ЖПКдаги таржимон иштироки, ишда иштирок этаётган шахсларнинг ҳуқуқларини тушунтириш ва таъминлаш мажбурияти, жиноят ишининг қандай бориши ва тугашидан манфаатдор субъектларни рад қилиш ва ўз-ўзини рад қилиши ва ҳ.к.га тааллуқли талабларга эътибор қаратиш мумкин. Иккинчи томондан, суд муҳокамаси нафақат биринчи инстанция судда амалга оширилади, биринчи ва апелляция инстанция судда суд муҳокамасининг умумий шартлари кассация ва назорат инстанция суддаги суд муҳокамасининг умумий шартларидан фарқ қилиш мумкин.

А.Я.Сухарев куйидаги фикрни билдиради: “Бу борада қонун чиқарувчи ЖПКда “Суд муҳокамасининг умумий шартлари” талабини

киритиб, уни унчалик тўғри номламаган, чунки ушбу умумий шартларнинг кўпи биринчи ва апелляция инстанция судда жиноят ишини юритишга аҳм бирдек тааллуқлидир”<sup>1</sup>.

Биз биринчи ва апелляция судларидаги жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш ва ҳал қилишга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган, яъни бевосита илмий иш мавзуси билан боғлиқ суд муҳокамасининг умумий шартларини кўриб чиқамиз.

Суд муҳокамасининг умумий шартлари бир нечта гуруҳга ажратилади: суд муҳокамасининг суд таркиби қонунийлигини белгиловчи умумий шартлари; суд муҳокамасининг жиноят иши иштирокчилари таркиби қонунийлигини белгиловчи умумий шартлари; суд муҳокамасининг суд муҳокамаси вақти, бевоситалиги, оғзакилиги, шунингдек унинг чегаралари ва тартиби тўғрисидаги қоидаларни белгиловчи умумий шартлари; суд муҳокамасининг суд жараёнини бориши ва унинг натижаларини ёзиб олиш учун илмий-техник ва бошқа воситалардан фойдаланиш қоидаларини белгиловчи умумий шартлари<sup>2</sup>.

Суд муҳокамасининг биринчи гуруҳ умумий шартларига суд таркибининг ўзгармаслиги, шунингдек суд муҳокамасига раислик қилувчининг ҳуқуқий мақоми ва суд муҳокамаси котибининг ҳуқуқий мақоми киради. Жиноят иши судья томонидан яқка тартибда ёки битта суд таркиби томонидан кўриб чиқилади. Агар судьялардан биронтаси суд муҳокамасида иштирок этишни давом эттириш имкониятидан маҳрум бўлса, у бошқа судья билан алмаштирилади ва жиноят ишининг суд муҳокамаси қайтадан бошланади.

Жиноят ишини кўриб чиқаётган суд таркиби ўзгармасдан қолиши керак. Кўп жиноят ишлари битта судья томонидан кўриб чиқилади. Табиийки, жиноят ишини бир судьядан иккинчисига бериш суд муҳокамасини қайтадан бошлашни талаб этади. Агар жиноят иши ҳайъат

<sup>1</sup> Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РФ / Под ред. А.Я.Сухарева. – М., 2004. – С. 17.

<sup>2</sup> Якупов Р.Х. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Науч. ред. Н.В.Галузо. – М., 2004. – С.398-409.

томонидан кўриб чиқиладиган бўлса, бу қоида ҳайъат таркибида судья алмашганда ҳам қўлланилади.

Раислик қилувчи суд муҳокамасини бошқаради, ЖПКда кўзда тутилган барча тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш чораларини кўради. Раислик қилувчи – жиноят иши ҳайъат томонидан кўриб чиқиладиганда суд муҳокамасига раҳбарлик қиладиган судья, шунингдек жиноят ишини яқка тартибда кўриб чиқаётган судья.

Раислик қилувчи суд мажлисини олиб бориш тартибига риоя қилиниши таъминлайди, барча суд иши иштирокчиларига уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни амалга ошириш тартибини тушунтиради, шунингдек ЖПКда белгиланган суд мажлиси тартиби билан таништиради. Ушбу қоидалар раислик қилувчининг фуқаровий даъво тарафлари – фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарга нисбатан тегишли ҳаракатларини ҳам тартибга солади.

Процессда раислик қилувчининг асосий вазифаси тарафларнинг тортишуви ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлашдан иборат. Раислик қилувчи тарафлар ҳуқуқларининг асоссиз чекланишига йўл қўймаслиги керак. У далилларни тақдим этиш ва уларни ўрганишда, суд мажлисида муҳокама қилинадиган фуқаровий даъво масалалари юзасидан ўзининг фикрини билдиришда тарафларга тенг имкониятлар берилишини назорат қилади.

Раислик қилувчи суд мажлисига раҳбарлик қилади, унинг кўрсатмалари барча процесс иштирокчилари ва суд залидагилар учун мажбурийдир. Раислик қилувчининг кўрсатмаларига риоя қилмаслик ЖПКнинг 272-моддасида кўзда тутилган салбий оқибатларга олиб келади. Раислик қилувчининг суд мажлиси тартибини таъминлашга доир кўрсатмалари суд мажлиси нозирлари томонидан бажарилади.

Ҳар қандай суд иши иштирокчисининг, шу жумладан фуқаровий даъво тарафларининг раислик қилувчининг ҳаракатларига нисбатан эътирозлари суд мажлиси баённомасида қайд этилади.

Суд жараёнида жиноят иши бўйича барча далиллар бевосита ва оғзаки

ўрганилиши керак. Суд судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларни, эксперт хулосасасини тинглайди, ашёвий далилларни кўздан кечиради, баённома ва бошқа хужжатларни ошкора қилади, далилларни ўрганиш бўйича бошқа суд ҳаракатларини амалга оширади. Суд ҳукми, шу жумладан, ҳукмнинг фуқаровий даъвога тааллуқли қисми фақат суд мажлисида ўрганилган далилларга асосланган бўлиши керак.

Айни дамда жавобгарнинг даъвони тан олиш, даъвогарнинг даъводан воз кечиш ҳуқуқлари мавжуд. Агар даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш судга йўлланган ёзма шаклдаги аризаларда қайд этилган бўлса, бу аризалар ишга тикилади ва бу ҳақида суд мажлиси баённомасида кўрсатилади. Суд даъвогарга, жавобгарга даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш оқибатларини тушунтиради. Даъвогарнинг даъводан воз кечиши, жавобгарнинг даъвони тан олиши суд томонидан қабул қилинмаган ҳолларда суд бу ҳақида ажрим чиқаради ва ишни кўриб чиқишни давом эттиради. Даъвогар даъво талабларидан воз кечиб, бу суд томонидан қабул қилинганда иш юритиш суднинг ажримига биноан тугатилади. Ажримда ушбу тарафлар ўртасидаги низо юзасидан, худди шу предмет тўғрисида ва ушбу асослар бўйича судга қайтадан мурожаат қилиш мумкин эмаслиги кўрсатилади. Ҳукм, шу жумладан унинг фуқаровий даъво бўйича қисми, суд мажлисида кўриб чиқилган далилларга асосланади. Дастлабки тергов материаллари, агар улар суд ишида ўрганиб чиқилмаган бўлса, ҳукмнинг тегишли қисми учун асос бўла олмайди.

Суд ишининг навбатдаги умумий шарти ошкоралик ҳисобланади (ЖПК 19-моддаси). ЖПКнинг судда жинойт ишларининг ошкора кўрилишига оид талаби фуқаровий даъвони судда кўриб чиқиш ва ҳал қилишда фуқаровий даъво субъектларига, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонун билан ҳимояланадиган сирларини ҳимоя қилишга ҳам таллуқлидир. Фақат фуқаровий даъво масалалари жинойт ишини юритишда ошкораликни чеклаш учун мустақил асос сифатида кўзда тутилиши мумкин эмас. Чунки, фуқаровий даъво содир этилган

жиноятнинг оқибати ҳисобланади, ва айнан унинг (жиноятнинг) хусусиятлари суд ишининг умумий шарти таъсирини чеклаб қўяди. Агар жиноят таркибини ўрганиш ва жиноят иши иштирокчилари манфаатлари ва хавфсизлигини таъминлаш талаб этилса, судда иш юритуви “ёпиқ” ҳолда олиб борилади.

Суд мажлисида айблов ва ҳимоя тарафлари рад этиш ва илтимоснома киритиш, далиллар келтириш, уларни ўрганишда иштирок этиш, суд муҳокамаларида иштирок этиш, судга мурожаат этиш, суд иши мобайнида юзага келадиган бошқа масалаларни кўриб чиқишда бир хил ҳуқуқларга эга. Мазкур тадқиқот мавзуси бўйича таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқаровий даъво тақдири масаласи ҳам ҳукм чиқараётганда, суднинг олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Демак, рад этиш ва илтимоснома киритиш, далиллар келтириш, уларни ўрганишда иштирок этиш, суд муҳокамаларида иштирок этиш, фуқаровий даъво бўйича судга ёзма тарзда фикрлар билдиришда фуқаровий даъво субъектларининг бир хил ҳуқуққа эгаллиги – суд томонидан жиноят ишини фуқаровий даъво қисми бўйича кўриб чиқишнинг муҳим умумий шартидир. Жиноят туфайли етказилган моддий зиённи қоплаш тўғрисида фуқаровий даъво берилмаган ҳолларда суд ушбу масалани ўзининг ташаббуси билан ҳукмда ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Суд мажлисида фуқаровий даъвони кўришда фуқаровий даъвогарнинг (унинг вакилининг) ҳозир бўлиши муҳим шарт ҳисобланади. Амалдаги жиноят процессуал қонунчилик талқилинига кўра, фуқаровий даъвогарнинг судга келмаслиги даъводан воз кечишга тенглаштирилмасада, уни кўрмасдан қолдиришга розилик билдиришга тенг ҳисобланади. Агар фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили судга келмаса, суд даъвони кўрилмасдан қолдириш масаласини муҳокама қилади, бу ҳақида жойда ажрим чиқаради. Агар даъвогар судни унинг иштирокисиз ўтказиш тўғрисида илтимоснома киритган бўлса, зарур ҳужжатларни мавжудлиги аниқлангандан кейин суд ушбу масала юзасидан

ажрим чиқаради.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони исбот қилиш қисми бўйича суд тергови ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Даъво талабларининг асослари, уларнинг исботланганлиги ва миқдори суд тергови пайтида суд томонидан ўрганилади. Бунда жиноят иши бўйича берилган фуқаровий даъвони исботлаш ЖПКда белгиланган тартибда амалга оширилади. Бундан аввал айблов хулосаси эълон қилингандан кейин фуқаровий даъво ҳам эълон қилиб, судланувчининг даъвога бўлган муносабати аниқланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Суд тергови бошида фуқаровий даъвони эълон қилиш ва тақдим этилган даъво аризасига нисбатан айбланувчининг (фуқаровий жавобгарнинг) фикрини аниқлашниҳоятда муҳим. Даъво аризасининг ўз вақтида эълон қилиниши ва судланувчининг (фуқаровий жавобгарнинг) даъвога бўлган муносабатини аниқлаш тарафларга суд терговига, айниқса мураккаб, катта, кўп эпизодли ёки уюшган жиноят ишлари бўйича ўз вақтида тайёрланиш имконини беради.

ЖПКда бевосита фуқаровий даъво бўйича далилларни ўрганиш тартиби ҳам акс эттирилмаган. ЖПКда белгиланган далилларни ўрганишнинг умумий тартиби фуқаровий даъво бўйича далилларни ўрганишда ҳам қўлланилади: далилларни ўрганиш кетма-кетлиги уларни судга тақдим этган тараф томонидан белгиланади; биринчи бўлиб далилларни айблаётган тараф тақдим этади, кейин ҳимояланаётган тараф тақдим этган далиллар ўрганилади. Давлат айбловчиси томонидан тақдим этилган далиллар ўрганиб чиқилгандан кейин, фуқаровий даъвогардан унда ушбу далилларга қўшимча бор ёки йўқлиги сўралиши лозим ва шундан кейин ҳимояланувчи тараф тақдим этган далилларни ўрганишга ўтилади. Фуқаровий жавобгарга ҳам худди шундай савол берилиши лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки фуқаровий даъвогарнинг ёндашуви давлат айбловчиси ёндашуви билан фуқаровий даъво асослари ва миқдори бўйича ҳам, уни асословчи далиллар бўйича ҳам тўғри келмаслиги мумкин (гарчанд, улар бир тараф, яъни айблов тарафи ҳисобланса ҳам).

Судланувчи, унинг ҳимоячиси позициясига нисбатан фуқаровий жавобгарнинг позицияси тўғрисида ҳам, ушбу субъектлар ҳимояланувчи тараф ҳисоблансада, худди шу фикрни билдириш мумкин.

Даъво бўйича зарур ҳужжатларнинг етишмаслиги жабрланувчи (даъвогар) ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тўлдирилиши мумкин. Бундай ҳолларда суд мажлиси баённомасида бунга тааллуқли барча маълумотлар имкон қадар батафсил акс эттирилиши лозим.

Даъво бўйича далилларни ўрганиш, одатда, суд терговининг охириги босқичида амалга оширилади. Бу вақтга келиб, суд жиноят содир этганлик ҳақидаги айбловнинг исбот қилинганлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлади. Бу ҳам даъво бўйича қарор чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фикримизча, даъво талабларини ўрганишни суд терговининг мустақил босқичи сифатида шартли ажратилиши иккала тарафга ҳам, агар улар жабрланувчи ва судланувчи бўлишса, судда айнан фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар сифатида иштирок этиш, даъвогарнинг ҳар бир талаби ва жавобгарнинг унга муносабатини батафсил аниқлаш, ушбу талабларнинг ҳар бири бўйича мавжуд ҳужжатларни ўрганиш имконини беради. Шу мақсадда суд даъвогарга билдирилган даъво талаблари бўйича тушунтириш беришини таклиф этиб, жавобгарнинг эътирозларини тингланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жумладан, Т.Р.Галимов шундай ёзади: “фуқаровий даъво бўйича исбот қилиш предметига тааллуқли ҳолатларнинг ҳаммаси ҳам айбланиш хусусиятига эга бўлавермайди, яъни айбланиш ҳажмига таъсир кўрсатмайди. Айбланиш хусусиятига эга ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради: 1) жиноятни, унинг зиёнли оқибатларини, уларнинг хусусиятини (жиноят туфайли етказилган зиённинг тури – мулкӣ, жисмонӣ, маънавий) ҳамда жиноят ва унинг оқибатлари ўртасидаги сабабли боғланишни ифодаловчи ҳолатлар; 2) айбланувчининг айбини ифодаловчи (унинг борлигини тасдиқловчи, унинг шакли ва турини, даражасини белгиловчи ва ҳ.)

ҳолатлар; 3) фуқаровий даъвони бериш учун процессуал асосларнинг мавжедлигини билдирувчи; 4) ҳукмнинг фуқаровий даъво бўйича қисми ижросига таъсир қилувчи ҳолатлар (жумладан, битта шахс томонидан турли жиноятлар орқали етказилган зиён миқдорини тасдиқловчи ҳолатлар)<sup>1</sup>.

Фуқаровий даъво бўйича исбот қилиш предметиға тааллуқли ҳолатларнинг кўпчилиги айблашға нисбатан кўшимча (ёрдамчи) вазифани бажаради. Уларнинг жумласига қуйидагилар киради: 1) фуқаровий даъвогар деб тан олиниси ёки фуқаровий жавобгар сифатида жалб қилиниси мумкин бўлган шахсни кўрсатувчи ҳолатлар (бунга шахсни фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка (жиноий-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари) тортиш учун бошқа асосларни (вояға етмаган судланувчиларға нисбатан қариндошчилик факти, фарзандликка олиш факти, васийлик ва ҳ.к.) киритиш лозим); 2) фуқаровий жавобгарнинг айбини баҳоловчи (унинг борлигини тасдиқловчи, унинг шакли ва турини, даражасини белгиловчи ва ҳ.к.) ҳолатлар; 3) жиноят процессида регресс талаблар асоси бўлган ҳолатлар; 4) жавобгарлик турини (ҳиссали, солидар ёки субсидиар) белгилашға таъсир кўрсатувчи ҳолатлар.

Тарафлар манфаатларини ҳимоя қилаётган шартномавий вакил-адвокатларнинг жиноят процессида фуқаровий даъвони исбот қилишда роли катта. Адвокат ишонч билдирган шахсға фуқаровий даъво бўйича нафақат юридик ёрдам кўрсатиши, балки фуқаровий даъвони исбот қилиш, уни кўриб чиқиш, у бўйича қабул қилинган қарорни қайта кўриб чиқишда фаол иштирок этиши муҳим.

Судланувчи томонидан содир этилган жиноят (жиноятлар) туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдорини аниқлашда суд терговвидаги исбот қилиш предметиға қуйидагилар киритилади: шахсни фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка (жиноий-ҳуқуқий жавобгарликдан ташқари)

<sup>1</sup> Галимов Т.Р. Субъекты доказывания гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. ... дисс. канд. юрид. наук. – Ижевск. 2006. – С. 8.

тортиш учун бошқа асослар (вояга етмаган судланувчиларга нисбатан кариндошчилик факти, фарзандликка олиш факти, васийлик ва ҳ.к.); зиён етказилган ҳолатлар (масалан, жабрланувчининг айби борлиги ёки йўқлиги, унинг индивидуал хусусиятлари; битта шахс томонидан турли жиноятлар орқали етказилган зиён миқдорини тасдиқловчи ҳолатлар; айбдорнинг моддий ҳолати; жавобгарлик турини аниқлашга таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (ҳиссали ёки солидар)); етказилган зиёнда вояга етмаган судланувчиларнинг ота-онаси ёки васийларининг айбини истисно қилувчи ҳолатлар.

Бундан ташқари, суд терговда дастлабки тергов жараёнида судланувчидан олиб қўйилган пул ёки моддий бойликлар, шунингдек хатловга олинган мулки жиноят йўли билан топилганлигини тасдиқловчи ҳолатлар ҳам исбот қилиниши керак. Чунки бу ашёвий далиллар тақдирига ва ундириладиган суммани эр-хотинларнинг умумий мулкига қаратиш тартибига бевосита таъсир кўрсатади.

Суд тергови тугагунга қадар даъвогар талабларининг исботланганлигига баҳо берган ҳолда, даъво бўйича ўзининг муносабатини ўзгартириши, яъни даъвони қаноатлантириш ҳуқуқини тан олиш ва унинг миқдори тўғрисидаги масалани фуқаролик тартибида кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида илтимоснома киритиши; даъво талаблари миқдорини асослаган ҳолда камайтириши ёки улардан воз кечиши; фуқаролик суд иши тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқини сақлаш мақсадида суддан даъвони кўрилмасдан қолдиришни сўраши мумкин.

Даъво бўйича тарафлар суд музокараларида ЖПКда белгиланган тартибда иштирок этишади. Жавобгар сифатида судланувчи иштирок этаётган ҳолларда, у ҳам даъво бўйича далилларни баҳолаш юзасидан суд музокараларида иштирок этишга ҳақлидир. Агар судланувчи ушуб ҳуқуқдан фойдаланмаса, бу ҳақида суд мажлиси баённомасида қайд этилиши лозим.

Ҳукмнинг фуқаровий даъво бўйича қисмига қўйиладиган талабларни

ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фуқаровий даъво ҳукмда яқуний равишда ҳал қилинади. Суднинг муҳим ҳужжати сифатида суд ҳукмининг аҳамияти Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорида<sup>1</sup> қайд этилган. Унга кўра, судлар томонидан ҳукмга қўйиладиган қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилиши шарт. Ноқонуний ва асоссиз ҳукмлар чиқаришга йўл қўйилмайди ва бундай ҳукмлар юқори инстанция судлар томонидан бекор қилинади ёки ўзгартирилади.

Тақдим этилган фуқаровий даъво масаласи ҳукми ташкил этувчи бошқа асосий масалалар (айбдорлик ва жазо миқдори тўғрисидаги масалалар) билан бирга ҳал қилинади. Айблов ҳукмини чиқаришда, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини қўллаш ёки содир этган қилмишнинг хусусиятига ва ўзининг руҳий ҳолатига кўра шахс ижтимоий хавфли бўлмаган ҳолларда бундай чорани қўлламаслик ҳақида ажрим чиқаришда суд асосларнинг исботланиши ва даъво ҳажмини эътиборга олиб, уни тўлиқ ёки қисман қаноатлантиради ёхуд уни қаноатлантиришни рад этади.

Суд ҳукм чиқараётганда иш бўйича берилган фуқаровий даъвонинг тақдирини ҳам ҳал қилиши шарт. Ҳукмдаги даъво юзасидан қарор ҳар қайси даъво талаби бўйича уни тасдиқловчи далилларга нисбатан ҳам, миқдори бўйича ҳам тушунарли бўлиши керак. Ҳукмнинг қарор қисмида суд томонидан қондирилган талабларнинг хусусиятига нисбатан шубҳа бўлмаслиги керак. Айниқса, бунда даъво талабларининг хусусияти (боқувчисини йўқотилган, маънавий зарар ва ҳ.к.) кўрсатилиши шарт, чунки ҳар қайси ҳукм қилинган сумма учун алоҳида бериладиган ижро варақаларида бу бўйича ҳукмнинг қарор қисми кўрсатилиши керак. Фақат даъвони қаноатлантириш ҳуқуқи тан олинган ҳолларда даъвогарнинг айнан қайси талабларини қаноатлантириш ҳуқуқи суд томонидан тан

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори // “Норма” Ахборот-қидирув тизими.

олинганлиги кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорига асосан, ЖПКнинг 471-моддасига кўра ҳам айблов, ҳам оқлов ҳукмининг қарор қисмида кўзғатилган фуқаровий даъво ёки суднинг ташаббуси билан зиённи қоплаш тўғрисидаги қарор; ашёвий далиллар ҳамда ишга илова қилинган бошқа нарсалар ва ҳужжатлар, процессуал чиқимлар, шунингдек ҳукм устидан апелляция шикоятни бериш ҳамда кассация протести билдириш тартиби ва муддати тўғрисида қарор бўлиши зарур.

Ҳукм чиқараётганда суд ҳукмда даъвонинг тўлиқ ёки қисман қондирилиши ёки унинг рад этилишини асословчи важларни келтириши, даъвогарнинг талаблари қондирилган миқдор ва унинг тегишли ҳисоб-китобларини ҳамда фуқаровий даъвони ҳал қилишда асосланган қонунни кўрсатиши шартлиги қайд этилган. Бир нечта судланувчига нисбатан берилган фуқаровий даъво қондирилганда, ҳукмда қайси сумма солидар ва қайси сумма улушли тартибда улардан ундирилиши кўрсатилиши керак.

Жиноят содир этилганлиги аниқланмаганлиги ёки судланувчининг жиноят содир этишда иштироки исботланмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилганда, суд даъвони қаноатлантиришни рад этади. Судланувчининг хатти-ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли оқлов ҳукми чиқарилганда, даъво кўрилмасдан қолдирилиши керак. Шунингдек, агар суд мажлисига фуқаровий даъвогар ёки унинг вакили иштирок этмаса ва бунда даъвогарнинг даъвони унинг иштирокисиз кўриб чиқиш тўғрисидаги илтимосномаси бўлмаса, фуқаровий даъво кўрилмасдан қолдирилиши мумкин. Даъво прокурор томонидан қўллаб-қувватланаётган ёки суд фуқаровий даъвони кўриб чиқиш зарур деб топган ҳолатлар бундан мустасно. Шундай қилиб, судьялар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида жиноят процессида фуқаровий даъволарни моҳиятан кўриб чиқиш ва ҳал қилишга интилишлари кузатилади.

Жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори,

фуқаровий даъвонинг мазмуни (агар у берилган бўлса) жиноят иши материалларини ўрганаётган судьяни ушбу ҳолатларни ажратиш ва уларни мустақил баҳолашга мажбур қилади<sup>1</sup>. Авваламбор, жиноят иши материалларини уларда жабрланувчи ёки унинг вакилининг аниқ даъво талабларини тақдим этиш ҳуқуқи тўғрисидаги масалани суд мажлисида кўриб чиқиш учун етарлича аниқ маълумотлар борлиги нуктаи-назаридан таҳлил қилиш лозим.

## **II боб бўйича хулоса:**

Юқорида келтирилган масалаларни кўриб чиқиш натижалари бўйича куйидаги хулосаларни қилиш мумкин;

1. Амалдаги қонунчилик бўйича суд арз қилинган фуқаровий даъвони фақат ҳукмда ҳал қилиши – даъвони тўлиқ ёки қисман қаноатлантириш ёки уни қаноатлантирмаслиги мумкин. Ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қарор бир қисми ҳисобланади ва ҳукмга қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши керак.

2. Суд тергови тугагунга қадар даъвогар, талабларининг исботланганлигига баҳо берган ҳолда, даъво бўйича ўзининг муносабатини ўзгартириши, яъни даъвони қаноатлантириш ҳуқуқини тан олиш ва унинг миқдори тўғрисидаги масалани фуқаролик суд иши тартибида кўриб чиқиш учун юбориш тўғрисида илтимоснома киритиши; даъво талаблари миқдорини асослаган ҳолда камайтириши ёки улардан воз кечиши; фуқаролик суд иши тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқини сақлаш мақсадида суддан даъво кўрилмасдан қолдирилишини сўраши мумкин. Суд даъвогарга бундай ҳаракатларнинг оқибатларини тушунтириши ва даъвогарнинг ёндашуви қабул қилинганда тегишли ажрим чиқарилиши мақсадга мувофиқ, бўлар эди.

3. Ишни даъвогарнинг иштирокисиз кўриб чиқиш ва фуқаровий даъво кўрилмасдан қолдириш тўғрисида қарор қабул қилаётиб, суд ушбу қарор

---

<sup>1</sup> Горобец В. Гражданский иск в уголовном процессе // Российская юстиция. – Москва, 2000. – №9.

жиноят тўфайли етказилган зиённи ундиришни қийинлаштириши мумкинлигини ҳисобга олиши керак. Шу билан бирга, жиноят иши материалларида фуқаровий даъво қисми бўйича исботловчи далилларнинг тўлиқлиги ҳам инобатга олиниши лозим. Жиноят ишининг фуқаровий даъво қисми бўйича далиллар базаси йўқ ёки заиф бўлган ҳолларда, ишни фуқаровий даъвогар иштирокисиз кўриб чиқмасдан, уни қолдириш мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолларда фуқаровий даъво фуқаролик суд иши тартибида кўриб чиқиладиганда далиллар базасини тўлдириш ва бу билан жиноят тўфайли етказилган зиённи қоплаш бўйича ўзининг ҳуқуқини амалга ошириш учун фуқаровий даъвогарда имконият бўлади. Акс ҳолда, суд даъвони даъвогарнинг иштирокисиз кўриб чиқиш ҳуқуқидан фойдаланади ва ушбу қисм бўйича исботловчи далилларнинг йўқлиги боис фуқаровий даъвони қаноатлантиришни рад этади. Фуқаровий даъвогар эса жиноят тўфайли ўзига етказилган зиённи фуқаролик суд иши тартибида ундириш бўйича ҳуқуқини амалга ошириш учун имконидан маҳрум бўлади. Чунки низо ушбу тараф ўртасида, худди шу предмет тўғрисида ва шу асослар бўйича судда кўриб чиқилган.

### **III БОБ. ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ФУҚАРОВИЙ ДАЪВОНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

#### **1. Жиноят процессида фуқаровий даъво ни ҳал қилиш борасида айрим хорижий мамлакатлар тажрибаси**

Жиноят процессида фуқаровий даъво ни ҳал қилиш борасида хорижий қонунчиликдаги тажрибаларга мурожаат қилсак, **Норвегия** ЖПКнинг 214-§да кўрсатилишича, жиноий қилмиш туфайли ўз мулкидан ажраган ҳар қандай шахсга жиноятчининг мулки, агар мусодара қилиш муддати ўтган тақдирда ҳам олиб берилиши лозим<sup>1</sup>. **Эстония**нинг ЖПК 413-моддасида кўзда тутилган “Чет мамлакатларга мулкни хатлаб, уни эгасига бериш бўйича илтимоснома билан чиқиш”<sup>2</sup> деган қонунчиликимизга имплементация қилишни мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Ушбу моддага асосан “Чет мамлакатга мулкни хатлаб, уни эгасига бериш тўғрисидаги илтимоснома адлия вазири ёки у томонидан тайинланган юридик ташкилот томонидан берилди”. Ушбу янгиликнинг қонунларимизга татбиқ қилиниши давлатнинг қонуний манфаатларини, жумладан фуқаровий даъвогар манфаатларининг муҳофаза қилинишига ижобий таъсир кўрсатган бўлар эди.

**Буюк Британия**да жиноят жабрланувчиларига ёрдам қилиш ва хусусий ҳуқуқий манфаатларни қаноатлантириш гарчанд, қонунчиликда мустаҳкамланмаган бўлсада, устувор вазифалар сирасига киритилган.

Жабрланувчи (жиноят қурбони) қоида тариқасида Буюк Британияда жиноят суд иш юритуви тизимида мансубдир. Унинг жиноят суд иш юритуви тизимидаги роли ҳамisha камайтирилиб, реал эҳтиёжлари камдан-кам ҳолларда эътиборга олинган. Амалда жабрланувчи кадрли гувоҳ сифатида кўрилган ва жиноят иши якунларига фақатгина кўрсатув

<sup>1</sup> Интернет сайти: web-pecypc: www.norge.ru.

<sup>2</sup> Интернет сайти: web-pecypc: www.yurotdel.com/zakony/ugolovno-processualnyi-kodeks-estonii.html.

бериш орқали таъсир кўрсатиши мумкин бўлган. Фақатгина сўнги йилларга келиб, жабрланувчининг жиноят иши бўйича унинг манфаатларига тааллуқли барча процессуал аҳамиятга эга қарорлар тўғрисида маълумотга эга бўлиш ҳуқуқи тан олинди.

Буюк Британиянинг 1973 йилги “Жиноят судлари ваколатлари тўғрисида”ги Қонуни<sup>1</sup> билан судлар жазо тайинлаш билан бир қаторда компенсация тўғрисида суд буйруқлари (compensation order) ҳам чиқариш ваколатига эга бўлди. Ушбу Қонуннинг 35-41-моддаларига мувофиқ, компенсация тўғрисидаги буйруқ жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш мақсадида пул маблағи тўлашни кўзда тутди.

1982 йилдаги “Жиноий юстиция тўғрисида”ги Қонуннинг 65-моддасига мувофиқ, компенсация “ягона санкция сифатида” тайинланиши мумкин бўлиб, бу моҳият эътиборига кўра, жиноий жазони алмаштиради<sup>2</sup>. Ушбу қонунларга кўра, суд имконият бўлган ҳолларда компенсация тўғрисида буйруқ чиқариши шарт, бироқ жабрланувчи бундай ажрим чиқариш тўғрисида мурожаат этишга ваколатли эмас. Гувоҳи бўлганимиздек, судга жиноят туфайли етказилган зарар фактини ва унинг барча ҳолатлари исботланганлигини аниқлашда, шунингдек, зарарни қоплаш тури, ҳажми ва шаклини аниқлашда бош ва фаол ўрин ажратилган.

Буюк Британиянинг 2000 йилги “Жиноят судларининг (жазо тайинлашдаги) ваколатлари тўғрисида”ги Қонуни<sup>3</sup> билан парламент жиноят суд иш юритувида компенсация тўғрисидаги суд буйруғи комплекс ҳуқуқий тартибга солинди.

Ушбу Қонуннинг 130-моддасига биноан, жиноят ишини мазмунан кўриб чиқаётган суд ҳар қандай жазонинг ўрнига ёки унга қўшимча

<sup>1</sup> Powers of criminal courts act 1973 [electronic resource] // website of UK Office of Public sector Information. Electronic data (1 file). url: [http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1973/pdf/ukpga\\_19730062\\_en.pdf](http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1973/pdf/ukpga_19730062_en.pdf) (04.09.09).

<sup>2</sup> Criminal Justice act 1982 [electronic resource] // website of uK Office of Public sector Information. electronic data (1 file). url: [http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1982/pdf/ukpga\\_19820048\\_en.pdf](http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1982/pdf/ukpga_19820048_en.pdf) (04.08.09).

<sup>3</sup> The Powers of criminal courts (sentencing) act 2000 [electronic resource] // website of uK Office of Public sector Information. electronic data (1 file). url: [http://www.opsi.gov.uk/acts/acts2000/ukpga20000006\\_en\\_1.\(25.08.09\)](http://www.opsi.gov.uk/acts/acts2000/ukpga20000006_en_1.(25.08.09)).

тариқасида компенсация тўғрисида буйруқ чиқариш орқали маҳкумни куйидагиларга мажбур қилиши мумкин:

(а) суд ҳукми билан тан олинган ҳар қандай жиноят оқибатида вужудга келган ҳар қандай жароҳат, йўқотишлар ёки шикастлар учун компенсация тўлаш;

(б) жабрланувчи ўлими билан боғлиқ дафн маросинимини ўтказиш ёки бошқа харажатларни тўлашни амалга ошириш (масалан, боқувчисини йўқотганлик билан боғлиқ тўлов ва б.қ.);

(с) йўл ҳаракати қоидаларини жиноий бузиш оқибатида вужудга келган ҳар қандай жароҳат, йўқотишлар ёки шикастлар учун компенсация тўлаш.

Таъкидлаш лозимки, суд ҳукми бўйича жазо сифатида жарима тайинланиши ва бир вақтнинг ўзида компенсация тўғрисида буйруқ чиқарилиши лозим бўлса, суд даставвал, компенсация тўғрисида буйруқ чиқариши лозим бўлади. Суд компенсация миқдорини маҳкумнинг имкониятлари ва моддий аҳволдан келиб чиқиб белгилайди. Тадқиқотчилар томонидан таъкидланганидек, компенсация тўғрисидаги буйруқ маҳкум тўлашга қодир бўлган миқдордан ошмаслиги лозим<sup>1</sup>.

Суд ҳукм чиқариш вақтида жиноятдан етказилган зарарни компенсация қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш учун асослар бўла туриб, уни чиқармаган бўлса, бунинг сабабларини кўрсатиши ва асослантириши лозим<sup>2</sup>.

Жиноят процесси доирасида компенсация тўғрисидаги буйруқни жиноий юрисдикция судлари – магистрат судлари (magistrates' courts) ва Олий суд (The Supreme Court) таркибида фаолият кўрсатадиган Қироллик суди (The Crown Court) чиқаради. Магистрат судларида суд қарори билан 5000 фунт стерлингдан кўп бўлмаган миқдорда компенсация тўлови

<sup>1</sup> Craig M. Bradley. Criminal Procedure. A worldwide study. – North Carolina: Durham, 2007. – P. 189.

<sup>2</sup> Mireille Delmas-marty and J.R. Spencer. European criminal Procedures. – New York: Cambridge university Press, 2002. – P. 156.

тўланиши мумкин, Қироллик судига татбиқан қонунчилик бундай чекловни кўзда тутмайди.

Маҳқумда кўрсатилган миқдордаги маблағни бирваракайига тўлаш учун етарли маблағ бўлмаса, судлар компенсацияни бўлиб-бўлиб тўлашни кўзда тутишлари мумкин. Бундан ташқари “Жиноят судларининг (жазо тайинлашдаги) ваколатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 134-моддаси жиноят ва фуқаролик суд ишлари бўйича “кўприк” вазифасини бажаради: башарти, суд томонидан ҳар қандай жиноят оқибатида вужудга келган ҳар қандай жароҳат, йўқотишлар ёки шикастлар учун компенсация тўлаш тўғрисида буйруқ чиқарилган бўлса, кейинчалик жабрланувчи фуқаролик судига мурожаат этиб, ушбу йўқотишлар туфайли бой берилган фойдани ундиришни талаб қилиши мумкин. Ушбу ҳолатда “фойда” тушунчасининг қўлланилганлигига эътибор қаратиш лозим. Чунки, инглиз қонунчилигига мувофиқ, зарар ёки зиён жиноят туфайли тўғридан-тўғри етказилган зарардан келиб чиқадиган арифметик ўлчовга эга бўлган тушунчалар бўлса, улардан фарқли равишда “фойда” кенг маъноли тушунча ҳисобланади<sup>1</sup>. Шу орқали қонун чиқарувчи жабрланувчига нафақат жиноят туфайли етказилган бевосита зарарни, балки ҳар қандай бошқача зарарни ҳам ундиришнинг ҳуқуқий имкониятини тақдим этди.

Жиноят процессида фуқаровий даъвони таъминлаш масалаларини кўриб чиқишда 2003 йилги “Жиноий юстиция тўғрисида”ги Қонуннинг (Criminal Justice Act, 2003) 329-моддаси муайян аҳамият касб этади<sup>2</sup>. Унга мувофиқ, жабрланувчи жиноят содир этган шахсга нисбатан етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги фуқаровий-ҳуқуқий даъво билан чиқишга ваколатли ҳисобланади.

Шу тариқа, ҳозирги вақтда Буюк Британиянинг жиноят процессида фуқаровий даъво институти “жиноят туфайли етказилган зарарни

<sup>1</sup> Wren T. Confiscation law and asset tracing in The United Kingdom. – London, 1992.

<sup>2</sup> Criminal Justice Act 2003 [electronic resource] // Website of UK Office of Public sector Information. Electronic data (1 file). url: [http://www.opsi.gov.uk/acts/acts2003/pdf/ukpga20030\\_044\\_en.pdf](http://www.opsi.gov.uk/acts/acts2003/pdf/ukpga20030_044_en.pdf) (21.08.09).

компенсация қилиш тўғрисидаги суд буйруғи институти” ёрдамида таъминланмоқда<sup>1</sup>.

**АҚШ**да эса, жиноят суд иш юритувида жиноят туфайли етказилган зарарни қоплашнинг қуйидаги институтлари амал қилади: 1) фуқаровий санкциялар (civil penalty), фуқаровий даъво (civil action) ёки жиноят суд иш юритувида ҳимоя қилишнинг фуқаровий воситалари (civil remedies) институтлари; 2) жиноят-процессуал қонун нормалари билан тартибга солинган реституция институти (order of restitution); 3) жиноятдан кўрилган зарарни давлат томонидан қоплаш институти. АҚШ қонунларига кўра, барча жиноятлар жабрланувчилари “тўлиқ ва ўз вақтида реституция” ҳуқуқига эга ҳисобланади<sup>2</sup>.

**Германия** жиноят суд иш юритувида “фуқаровий даъвогар” ёхуд “фуқаровий даъво” каби тушунчалар қўлланилмайди. Фуқаровий-ҳуқуқий талаб ёзма илтимосномада ёки оғзаки аризада баён этилиши ва судда суд музокараси бошлангунга қадар расмийлаштирилиши ва суд мажлиси баённомасида қайд этилиши лозим. Илтимосномада талаб асослари, предмети ва далиллар келтирилиши лозим. Илтимосномани кўриб чиқиш вақтида жабрланувчи суд ҳукми чиқарилгунга қадар айбланувчи билан келишув битими тузишга ҳақли. Шунингдек, илтимоснома асосида етказилган зарарни реал қоплаш мақсадида суд қарори билан айбланувчи томонидан ҳуқуққа хилоф йўл билан тўпланган ва мусодара қилинган пул маблағи ва мол-мулкдан фойдаланилиши мумкин ҳисобланади<sup>3</sup>.

Таъкидлаш лозимки, МДҲ давлатларининг фуқаровий даъвони тартибга солиш билан боғлиқ жиноят-процессуал қонунчилиги ягона тарихий-ҳуқуқий асосларга эгаллиги билан изоҳланадиган умумийликка ва

<sup>1</sup> Дубровин В.В., Волеводз А.Г. Правовое регулирование возмещения вреда, причиненного преступлением, по законодательству зарубежных стран // Юридический мир. – Москва, 2009. – №11. – С. 58-59.

<sup>2</sup> Дубровин В.В. Гражданский иск и другие институты возмещения вреда от преступлений в уголовном судопроизводстве :международный, зарубежный, отечественный опыт правового регулирования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 12.

<sup>3</sup> Сероштан В.В. Зарубежный уголовный процесс в области регулирования прав участников уголовного судопроизводства // Электронный ресурс, 2010 – [www.juristlib.ru/book\\_9546.html](http://www.juristlib.ru/book_9546.html)

айни дамда ҳар бир мамлакатнинг миллий ўзлигини ифодалайдиган ўзига хосликка эгаллигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 1996 йил 17 февралда Парламентлараро Ассамблея томонидан қабул қилинган Намунавий ЖПК ҳам жиноят процессида фуқаровий даъво масаласига бағишланган алоҳида бобга эга<sup>1</sup>. Унинг ижобий жиҳати сифатида унда фуқаровий даъвони ҳал қилишда жиноят иши бўйича юритувда, башарти бу жиноят процесси принципларига зид бўлмаса ҳамда фуқаровий даъвони юритиш учун зарур қоидалар жиноят-процессуал қонунчиликда кўзда тутилмаган бўлса, фуқаролик-процессуал қонунчиликнинг фуқаровий даъвога оид қоидаларини қўллаш мумкинлиги тан олинганлигини қайд этишимиз мумкин. Шунингдек, унда жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича қарор фуқаролик ва бошқа қонунчилик тармоқлари нормаларига мувофиқ ҳолда қўлланилишини ҳамда жиноят процессида фуқаровий даъвога фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида белгиланган даъво муддати татбиқ этилмаслиги ҳам мустақамлаб қўйилган. МДҲ Намунавий ЖПК регресс даъволарни ҳамда бой берилган фойдани ҳам тан олади. Бундай фуқаровий даъво фақатгина ёзма шаклда тақдим этилиши белгиланган.

Айни дамда таъкидлаш лозимки, барча МДҲ давлатларида жиноят процессида фуқаровий даъво институти, шунингдек, давлат манфаатларини кўзлаб прокурор томонидан фуқаровий даъво кўзғатиш ваколати тан олинган. Аксарият МДҲ давлатлари ЖПКларида фуқаровий даъво алоҳида боб доирасида тартибга солинган бўлиб, Украина бундан мустасно.

Аксарият МДҲ мамлакатларида прокурорнинг фуқаровий даъво кўзғатиш ҳуқуқи муайян ҳолатлар билан боғланган – прокурор фуқароларнинг ҳуқуқларини, давлат ёки жамият манфаатларини ҳимоя қилиш талаб қилингандагина фуқаровий даъво кўзғатиши мумкин

---

<sup>1</sup> Приложение к Информационному бюллетеню Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ, 1996, N 10.

(Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Украина ва Ўзбекистон). Молдовада прокурор давлат ва ўзига тегишли ҳуқуқлардан мустақил фойдалана олишга лаёқатли бўлмаган жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилиб жиноят процессида даъво қўзғатишга ваколатлидир. Озарбайжон, Арманистон ва Грузияда прокурор жиноят суд иш юритувида фақатгина давлат мулкани ҳимоя қилиш мақсадида фуқаровий даъво қўзғатиши мумкин.

**Россия Федерацияси** жиноят процессида фуқаровий даъво масаласи жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичида ўрганилади.

1) фақат судьянинг Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарори жиноят ишини судда кўриб чиқиш учун ҳуқуқий асос ҳисобланади (шунинг учун айбланувчини судга ошириш тўғрисидаги процессуал ҳужжатнинг йўқлиги ҳар доим жиноят-процессуал қонуннинг бузилиши деб ҳисобланган ва ҳисобланади ҳамда ҳукми бекор қилинишига олиб келади);

2) айнан Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарор чиқарилган пайтдан бошлаб айбланувчи судланувчига айланади, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг кўшимча процессуал кафолатларига эга бўлади;

3) Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлашда масалаларнинг тўғри ва тўлиқ ҳал этилиши шахснинг ҳуқуқи, қонуний манфаатлари ва эркинликлари кафолати ҳисобланади, чунки ушбу босқичда судгача бўлган босқичларда йўл қўйилган айрим камчиликлар ва хатолар бартараф этилади, жиноят ишини кўриб чиқишдаги кейинги ҳаракатларга тегишли муҳим масалалар ҳал қилинади, шахсларнинг асоссиз айбланувчи деб тан олинисини олди олинади;

4) мазкур босқичда қонуний ва асосланган қарорлар қабул қилиниши одил суднинг муҳим кафолати ва манфаатларига хизмат қилади, чунки сифатсиз ўрганилган ишни суд мажлисига ўтказиш жиноят иши материалларини пухта ўрганишга, қонуний, асосланган ва адолатли ҳукм

чиқариш имконини бермайди, натижада жиноят суд ишини юритишнинг вазифаларини бажаришни қийинлаштиради.

Судгача бўлган босқичда йўл қўйилган камчиликлар ва хатоларни аниқлаб, уларни бартараф этиш асносида жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш босқичи дастлабки тергов органлари ва прокуратура ишининг сифатини ошишига ёрдам беради, шунингдек суд мажлисининг юқори сифатда бўлишини таъминлайди. Сабаби судья жиноят ишини тергов қилган агарда ҳукмнинг мулкӣ ундиришлар тўғрисидаги қисми ижросини таъминлаш чораларини кўрмаган бўлса (унинг объектив ва субъектив сабабларига қарамадан) бундай чораларнинг кўрилиши масаласини ҳал қилибгина қолмайдан, уларга тегишли топшириқлар бериши мумкин. Амалиётда судьядан терговчига топшириқнинг келиб тушиши, агар терговчининг камчилиги туфайли рўй берган бўлса, терговчини ноқулай аҳволга солиб қўяди. Шунинг учун юзаки ўрганилган жиноят ишларининг ушбу босқичга ўтишини олдини олади ва ишни моҳиятан кўриб чиқиш учун зарур шароитларни яратади.

Шунингдек, ушбу босқичда суд мажлисининг чегаралари яъни дастлабки терговдаёқ белгиланган жиноят иши муҳокамаси доираси - айбловнинг ҳажми ва мазмуни ҳақида судьянинг фикри шаклланади ва терговчининг процессуал расмий хулосасига айланади (Жиноят ишини судда кўриш учун тайинлаш тўғрисидаги қарорда ҳар қайси судланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми ва у айбланаётган жиноят таснифи кўрсатилиши).

Процесснинг ушбу босқичини ташкил этувчи ҳаракат ва муносабатлар амалга ошадиган ўзига хос шароитлардан келиб чиққан ҳолда, ушбу босқичда судьялар айбловнинг исботланганлиги ва айбланувчининг айбдорлиги тўғрисида умуман хулосага келишини англамайди. Ушбу процесс босқичида далилларни тўплаш, процессуал мустаҳкамлаш ва текшириш суд муҳокамаси босқичларига нисбатан жуда чекланган доирада амалга оширилади. Бунда далиллар ишончлилиги бўйича эмас, балки

фақат тааллуқлиги, жоизлиги, етарлилиги бўйича баҳоланади.

Жиноят суд ишининг кўриб чиқиладиган босқичида кўплаб муаммолар ишнинг фуқаровий даъво қисми бўйича юзага келади. Масаланинг муаммолиги шундаки, бир томондан судья жиноят юзасидан далил тўплаш фаолиятини амалга оширишда ва айблов (ва фуқаровий)ни ҳал қилиш юзасидан қарорлар қабул қилишда фаоллик кўрсата олмайди, гарчанд жиноят-процессуал қонунчиликка кўра, бундай ваколатларга эга бўлсада. Иккинчи томондан амалиётда айрим вақтларда ишни судга қадар юритиш бўсқичида ишитирик этмаган шахслар суд (судьяга) турли процессуал масалаларда мурожаатлар қилади. Хусусан дастлабки терговда жиноят натижасида етказилган зарар юзасидан жиноят ишида низоланмаган шахслар даъво кўзғатиш юзасидан ариза билан мурожаат қиладилар. Шу нуқай назарда, ЖПКда мазкур босқичда даъво аризасини қабул қилиш ва унинг келгуси тақдирини ҳал қилишда суд фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар мавжуд эмас.

Айрим муаллифларнинг фикрича, жиноят ишини судда кўриш учун тайёргарлик кўриладиган даъво аризаси берилиши мумкин ва даъво аризаси қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: даъво тақдим этилган суднинг номи (жиноят процессида фуқаровий даъвонинг судловга тааллуқлилиги жиноят ишининг судловга тааллуқлилигига қараб белгиланади), фуқаровий даъвонинг судга йўлланилиши (даъво дастлабки тергов, тергов жараёнида берилса ҳам) пировард натижада даъвони фақат суд ҳал қилиши билан изоҳланади; даъвогарнинг номи, шунингдек унинг манзили; жавобгарнинг номи (унинг яшаш жойи ва (ёки) жойлашган манзили); даъвогарнинг даъво талабларини тасдиқловчи ҳолатлар, шунингдек даъвогар кўрсатган ҳолатларни асословчи далиллар (шахсни жабрланганлигини ва унга зиён етказилганлиги тан олиш факти); даъво суммаси ва даъвогарнинг талаблари; даъвога илова қилинган ҳужжатлар

рўйхати; аризачи ёки унинг вакилининг имзоси<sup>1</sup>. Даъво аризасида, шунингдек, бошқа маълумотлар, масалан, даъво талабларини таъминлаш, судга гувоҳлар ва бошқа шахсларни чақириш, даъвогар ололмайдиган бошқа далилларни сўраб олиш учун сўровнома жўнатиш тўғрисида илтимоснома ҳам кўрсатилиши мумкин. Сабаби бир томондан юридик маълумотга эга бўлмаган фуқаронинг мурожаатида кўшимча маълумотларни тақдим этмаслик мажбуриятини юклаб бўлмайди. Бошқа томондан, бундай масалалар хусусида илтимослар келтириши ишни тўғри ва асосли ҳал қилишга кўмаклашади.

Жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори исбот қилиш предмети бўлганлиги боис фуқаровий даъво асосларини исбот қилиш жиноят-процессуал қонунчилик қоидалари бўйича амалга оширилади. Шу билан бирга, фуқаровий даъвони кўриб чиқиш моҳиятан алоҳида ишлиги ва унинг тартиби фуқаролик процесси қоидалари билан батафсил тартибга солинганлигини ҳисобга олиш лозим. Зеро, жабрланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг энг муҳим усули – бу фуқаролик суд иши тартибида тақдим этиладиган даъво ҳисобланади<sup>2</sup>.

Жиноят процессида фуқаровий даъво ҳолатларини исбот қилишнинг хусусиятларини ўрганиш шуни кўрсатадики, фуқаровий даъвони исбот қилиш предметиға кирадиган кўплаб ҳолатлар жиноят ишини юритишнинг бошқа субъектлари томонидан нафақат исбот қилиниши мумкин, балки исбот қилиниши керак.

Жиноят ишини фуқаровий даъво қисми бўйича кўриб чиқиш учун тайёрлаш босқичида исбот қилиш мажбуриятини фуқаровий даъво тарафлари ўртасида тақсимлаш билан боғлиқ суд фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Жиноят процессида фуқаровий даъвони тўғри кўриб чиқиш ва ҳал қилиш учун, демакки жиноят иши процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий

<sup>1</sup> Головачук О.С. Гражданский иск в уголовном процессе // Ученые записки: Сб. науч. трудов юрид. факта Оренбургского гос. унив-та. Вып.1. – Оренбург, 2004. – С. 127.

<sup>2</sup> Головки Л. Некоторые гражданско-правовые проблемы, возникающие в связи с применением статьи 76 нового Уголовного кодекса РФ // Хозяйство и право. – 1998. – №2.

даъвони исбот қилиш мажбурияти олдинроқ, яъни суд муҳокамасида эмас, балки жиноят ишени кўриб чиқишга тайинлаш пайтида тақсимланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу эса тарафларга фуқаровий даъво ҳолатларини исбот қилишга тайёрланиши, судга эса қонуний ва асосланган қарор чиқаришига имкон беради. Фуқаровий даъвони исбот қилиш мажбуриятини тақсимланиши суд қарори билан расмийлаштирилиши керак. Унда фуқаровий даъвони судья томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинганлиги қайд этилиш, шунингдек фуқаровий даъво субъектларига уларнинг процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиш мақсадга мувофиқ.

Жиноят процессида фуқаровий даъво бўйича ишени юритаётган шахснинг ваколатлари юзасидан **Қирғизистон Республикаси** Жиноят-процессуал кодексининг 140-моддаси 6-бандида жуда муҳим аниқлик киритилган: “Агар бундай ҳаракатлар қонунга зид бўлса ёки кимнингдир ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузса, терговчи ёки суд даъвогарнинг даъводан воз кечишини қабул қилмайди, бу ҳақида асосланган қарор ёки ажрим чиқаради”. Бундай кўрсатма айниқса жиноят ишени бўйича суд босқичлари учун жуда ўринлидир. Суд тергови босқичидаёқ даъвогарнинг даъводан воз кечиши қонунга зид ёки кимнингдир ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузган ҳолатлар кўп учраб туради. Шунинг учун, суд фуқаровий даъводан воз кечишни қабул қилмаслик ҳуқуқига эга бўлиши, бу эса бевосита жиноят-процессуал қонунда акс эттирилиши керак.

**Қозоғистон Республикаси** ЖПКнинг 75-моддасини ўрганар эканмиз, куйидаги қонидани кўрамиз: “Жабрланувчига жиноят туфайли етказилган мулкый зарар, шунингдек, суд, дастлабки терговда ўзи ва вакилининг иштироки натижасида қилинган харажатлар ҳам қонунда ўрнатилган тартибда ундирилиши таъминланади. Жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси ҳам жиноят процессида кўриб чиқилади. Агар жиноят ишида бундай даъво кўзғатилмаган ёки кўриб чиқиш қолдирилган бўлса, жабрланувчи уни фуқаролик-процессуал

тартибда қўзғатишга ҳақлидир”<sup>1</sup>. Қозоғистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигида акс эттирилган жабрланувчи фуқаровий ҳуқуқий манфаатларининг тикланиши ҳолатлари, бизнинг қонунчилик ҳужжатларимизда ҳам ўз аксини топиши айни кунда заруратдир, чунки жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳуқуқий мақомларининг ўзаро узвий боғлиқлиги жиноий тажовуз туфайли уларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплашга қаратилгандир<sup>2</sup>.

**Грузия** ЖПКга кўра, прокурор жиноят ёки ҳуқуққа хилоф қилмиш туфайли давлатга зарар етказилган ҳолларда фуқаровий даъво қўзғатиши шартдир. Украина ЖПК “прокурор фуқаровий даъвони қўзғатади ёки қўллаб-қувватлайди” тушунчасидан фойдаланади. Озарбайжон, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркменистон каби давлатларда “прокурор ҳақли”, Арманистонда эса, “фуқаровий даъвони қўзғатади ва қўллаб-қувватлайди” каби тушунчалар қўлланилган.

Озарбайжон, Арманистон, Молдова, Қозоғистон ва Туркменистон қонунчилигида белгиланишича, фуқаровий даъво ёзма шаклда берилиши мумкин. Беларусь, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКларида фуқаровий даъво қўзғатишнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шакли мустаҳкамланган. Грузия ва Украина ЖПКда ушбу масалага эътибор қаратилмаган.

Жиноят суд иш юритувида регресс даъволар берилиши мумкинлиги Озарбайжон, Қозоғистон, Молдова, Туркменистон ва Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган.

Прокурорнинг фуқаровий даъводан воз кечиш тартиб-таомиллари фақатгина Беларусь Республикаси ЖПКда кўзда тутилган. Фуқаровий

<sup>1</sup> Интернет сайти: web-ресурс: [www.balazan.kz](http://www.balazan.kz).

<sup>2</sup> Маънавий зарар ундирилишининг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари Б.М.Ҳамрокулов, И.Н.Закирова, Р.А.Хонназаровларнинг илмий ишида тадқиқ этилган. Батафсил қаранг: Ҳамракулов Б.М. Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 26 б.; Закирова И.Н. Процессуальные особенности компенсации морального вреда, нанесенного средствами массовой информации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – 25 с.; Хонназаров Р.А. Номоддий неъматларга етказилган зарарни ундиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 27 б.

даъводан жамият манфаатларидан келиб чиқиб воз кечиш Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон ва Туркманистон давлатлари ЖПКларида мустаҳкамланган.

Европа Иттифоқи давлатлари процессуал конунчилиги таҳлили гарчанд, даъво халқаро кўламдаги тушунча эканлигини кўрсатсада, аксарият Европа мамлакатлари конунчилиги ушбу атамани кўлламайди.

Европа Иттифоқи мутахассислари томонидан ушбу мамлакатларда прокуратура ўз фаолиятини фақатгина жиноий таъқиб билан боғламаслигини кўрсатмоқда<sup>1</sup>. Европа Иттифоқига мансуб бўлган аксарият давлатларда прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб жиноят процессида фуқаровий даъво кўзғатиш ҳуқуқига эгаллиги тан олинган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилидан давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш жиноят ишлари муҳокамасида прокурор ролида ўзига хос ўринга эгаллиги тўғрисида тўхтамга келиш мумкин.

Европа Иттифоқи давлатлари жиноят-процессуал конунчилиги оммавий манфаатларни кўзлайдиган прокурор даъвоси тушунчасини кўллайди ва унинг замирида прокурор томонидан давлат ва жамиятга жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги жиноят-процессуал талабнинг кўзғатилиши тушунилади<sup>2</sup>.

Қирғизистон Республикасининг 1999 йилдаги ЖПКнинг “Фуқаровий даъводан воз кечиш” деб номланган 140-моддасида қуйидагилар белгиланган: Фуқаро ёки юридик шахс ўзи тақдим этган фуқаровий даъводан воз кечиш ҳуқуқига эга. Даъвогарнинг даъводан воз кечиш тўғрисидаги баёноти тергов ҳаракатлари ёки суд мажлиси баённомасида қайд этилади. Агар даъводан воз кечиш ҳақида ёзма тарзда билдирилган бўлса, ариза ишга тикилади. Даъводан воз кечиш тўғрисидаги ариза жиноят ишининг исталган пайтида терговчи томонидан қабул қилинади.

<sup>1</sup> Сборник материалов III Международного семинара с участием экспертов Совета Европы «Функции прокуратуры вне рамок уголовного преследования: вопросы теории и практики». – М., 2005.

<sup>2</sup> Боков Д.К. Дискуссионные вопросы предъявления прокурором гражданского иска в уголовном процессе в защиту интересов государства // Вопросы российского и международного права. – Москва, 2011. – №1. – С. 67-72.

Даъводан воз кечиш тўғрисидаги ариза суд мажлисининг исталган пайтида, лекин суд ҳукм чиқариш учун маслаҳат хонасига чиқиб кетгунга қадар, суд томонидан қарор, ажрим чиқарган ҳолда қабул қилиниши мумкин. Даъводан воз кечиш қабул қилингандан сўнг даъво бўйича иш тўхтатилади. Даъводан воз кечиш қабул қилингунга қадар терговчи, суд даъвогарга даъводан воз кечишнинг мазкур модданинг тўртинчи қисмида белгиланган оқибатлари ҳақида тушунтиришлари керак. Агар бундай ҳаракатлар қонунга зид бўлса ёки кимнингдир ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини бузадиган бўлса, терговчи ёки суд даъводан воз кечишни қабул қилмайди ва бу ҳақида асосланган қарор ёки ажрим чиқаради. Фикримизча, баъзи кўшимча шартларга риоя қилинганда фуқаровий даъво қисми бўйича келишув битимини жиноят ишини юритишнинг судгача бўлган босқичларида ҳам тасдиқлаш мумкин. Бундан ташқари, ушбу ҳуқуқ институтининг баъзи элементларини амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонунларига киритиш мумкин. Бу эса халқаро ҳуқуқ ва уни қўллаш амалиёти талабларига жавоб беради.

Юқоридагилар асосида, ЎзР ЖПКга жиноят процессида фуқаровий даъвога фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларида белгиланган даъво муддати татбиқ этилмаслигини кўзда тутиш лозим. Ушбу таклифлар МДХга аъзо-давлатлар қонунчилигидан келиб чиқади, ҳамда жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишда муайян ҳуқуқий аниқлик киритади ва жиноят туфайли жабрланувчи ва давлатнинг бузилган ҳуқуқларини самарали тиклаш учун шароит яратади.

## **2. Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш бўйича миллий қонунчиликни такомиллаштириш масалалари**

Мамлакатимиз Асосий Қомусининг 44-моддасида кафолатланган шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқини амалга ошириш шаклларида бири – жиноят процессида фуқаровий даъвони кўзғатиш ҳуқуқидир. Даъвонинг моддий ва процессуал-ҳуқуқий

томонлари бирга қўшилганда, даъво низоли ҳуқуқнинг ҳимоя қилиш воситаси бўлиб кўрилади<sup>1</sup>.

Ҳозирги пайтда жиноят-процессуал адабиётларда жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқиш, кўзғатиш ва ҳал этишнинг процессуал тартибининг қонун ҳужжатларида тартибга солинишида баъзи камчиликлар мавжудлиги тўғрисида айрим фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Хусусан, фуқаровий даъво институтининг қонун ҳужжатларида тартибга солинишидаги мавжуд камчиликлар тўғрисида Т.М.Тиллаев, Н.М. Кипнис каби ҳуқуқшунос олимлар ўз тадқиқотларида тўхталганлар<sup>2</sup>.

Жиноят процессининг кейинги босқичларида, яъни ҳукм, ажрим ва қарорларнинг қонунийлиги, асосланганлиги ва адолатлилиги текшириляётганда, фуқаровий даъвогар билан фуқаровий жавобгарнинг процессуал ҳолатларига хос бир қатор хусусиятлар кўзга ташланади.

Суд жараёнида фуқаровий даъвогар иштирок этишининг ўзига хос хусусиятлари амалий нуқтаи назардан муайян қизиқишлар уйғотади. Хусусан, бунда судда жиноят ишини кўриб чиқишда айблов ҳулосасини эълон қилиш билан бирга, дастлабки тергов жараёнида берилган фуқаровий даъвони ҳам эълон қилиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз. О.А. Тарнавскийнинг фикрича, шундай таклиф ҳозирда долзарб ҳисобланиб, у суд ишларини юритишда жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарни ундиришга йўналтирилган ёрдам бўлади<sup>3</sup>. Биз ушбу фикрни ёқлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 439-моддасига “Фуқаровий даъво кўзғатилган тақдирда, суд тергови айблов ҳулосаси ва кўзғатилган фуқаровий даъвони эълон қилиш билан бошланади” деган

<sup>1</sup> Шораҳметов Ш. Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 151.

<sup>2</sup> Тиллаев Т.Н. Жиноят процессида фуқаровий даъво: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2010. – 184 б.; Кипнис Н. М. Проблемы гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Lex Russica. – Москва, 2005. – № 4. – С. 771–778.

<sup>3</sup> Батафсилроқ қаранг: Тарнавский О. А. Уголовно-процессуальный механизм предъявления и разрешения гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: ЕГУ, 2000. – 27 с.

жумлани қўшиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Ушбу ҳолатда судда раислик килувчи судланувчидан (фуқаровий жавобгардан) фуқаровий даъво унга тушунарли эканлигини сўрайди, қўзғатилган даъвога ўз муносабатини билдиришини таклиф қилади. Судланувчи (фуқаровий жавобгар) фуқаровий даъвони тан олган тақдирда, унинг ўзаро келишув битимини тузишга рози ёки рози эмаслигини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 467-моддаси бешинчи қисмининг нормаси судга қўзғатилган фуқаровий даъво ёки жиноят оқибатида келтирилган мулкӣ зарарни ундириш тўғрисида ўз ташаббуси билан чиқарилган қарорнинг асосларини ҳам кўрсатиш мажбуриятини юклайди. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, судга жиноят туфайли келтирилган мулкӣ зарарни ундириш тўғрисидаги масалани ўз ташаббусига кўра ҳал этиш ҳуқуқи ҳам берилган.

Бизнинг нуқтаи назаримизча, ушбу норманинг мазмуни ва уни амалга ошириш механизмининг ҳам баҳс-мунозарага сабаб бўладиган ҳолатлари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 56-моддасининг талабларига кўра, жиноят, шунингдек ақли норасо шахснинг жамоат учун хавfli қилмиши шахс, корхона, муассаса, ташкилотга мулкӣ зарар етказган деб ҳисоблаш учун асос бўлса ва улар мулкӣ зарарни қоплашни талаб этсалар, улар жиноят процессида фуқаровий даъвогар сифатида эътироф этиладилар.

Жиноят туфайли етказилган мулкӣ зарарнинг ундирилишини таъминлаш борасида давлат органлари фаолиятини тартибга солувчи амалдаги ҳуқуқӣ нормаларнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш, уларнинг баъзи бирларига тузатишлар киритилиши зарурлигини кўрсатади.

Юридик адабиётларда моддий (мулкӣ) зарарнинг ундирилиши жиноят процессининг мустақил вазифаси сифатида бевосита қонун матнига киритилиши зарурлиги тўғрисида кўплаб фикрлар айтилган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида З.З. Зинатулин зарарни ундириш фақатгина

жиноят иши бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш мақсадини кўзламайди, балки жиноятни тез ва тўлиқ очишда амалга ошириладиган вазифаларнинг мазмунини ташкил этади, дея уқтирган эди. Мулкий зарар кўринишидаги жиноят оқибатлари жиноятнинг муайян таркиби белгилари доирасига кирган ҳолатларда, кўрсатиб ўтилган вазифа жиноят туфайли етказилган мулкий зарар ундирилишининг алоҳида масалаларини ҳам ҳал этиш зарурлигини тақозо қилади. Мулкий зарар кўринишидаги жиноят оқибатлари жиноят таркибининг конструктив белгиларини ўзида акс эттирмаган ҳолатларда, “жиноятни тез ва тўлиқ очиш” вазифаси жиноят туфайли етказилган моддий зарарни ундириш вазифасини камраб олмайди. Жиноят-процессуал қонунда таъкидланган вазифанинг аниқ мустаҳкамлаб кўйилиши жиноят туфайли етказилган мулкий зарар ундирилишини таъминлашга доир зарурий чораларни кўришга олиб келиб, бунинг учун етарли ва ишончли ҳуқуқий қафолатларни яратган бўлар эди<sup>1</sup>.

Жиноят процессида қўзғатиладиган фуқаровий даъво институтини тадқиқ қилар экан, жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари ва юридик адабиётларни таҳлил этиб, суд жараёнида (фуқаролик ва жиноят процессида) бир хил турдаги принциплар турли амал қилиши ҳақида, жумладан, бу ерда фуқаролик процессида мавжуд судда иш кўришнинг ошкоралиги ва жиноят процессида мавжуд судда жиноят ишларининг ошкора кўрилиши принципларини тақозо этади. Ҳақиқатан ҳам бу ерда қатор мунозарали ҳолатлар мавжуд бўлиб, улар, фикримизча, ҳал қилиниши керак, чунки Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 280-моддасида таъкидланишича, суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ва судда фуқаровий даъво бўйича иш юритиш амалдаги ЖПКда назарда тутилган тартибда олиб борилади. Фуқаровий даъво юзасидан юзага келадиган процессуал муносабатлар ЖПКда тартибга солинмаган бўлса,

<sup>1</sup> Батафсилроқ қаранг: Зинатуллин З. З. Возмещение причиненного преступлением ущерба в советском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид.наук. – Казань: Казанский ГУ, 1971.– 24 с.

унда жиноят процессининг принципларига хилоф бўлмаган фуқаролик-процессуал қонун ҳужжатларининг қоидалари қўлланади. Шунингдек, амалдаги Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 245-моддасида қайд этилганидек, жиноят ишидан келиб чиқадиган фуқаролик даъвоси, агар жиноят иши кўрилатганда арз қилинмаган ёки ҳал этилмаган бўлса, фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида кўриш учун фуқаролик ишларининг судловга тааллуқлилигига доир умумий қоидаларга биноан қўзғатилади.

“Жиноят ишида фуқаровий даъво – жиноят процесси ва фуқаровий муносабатлар бирлашадиган ўзига хос институтдир”, – дея қайд этган Ф.Багаутдиновнинг фикрига қўшилиш мумкин. Бунда у жиноят оқибатида жабрланувчининг бузилган мулкӣ ҳуқуқини ҳимоялашнинг асосий жиноят-процессуал усули ҳисобланади<sup>1</sup>. Ҳақиқатан, жиноят процессида фуқаровий даъвони кўриб чиқишда процессуал муносабатларнинг ушбу икки тури бир-бирини тўлдиради ва ўзаро тааллуқли бўлади.

Юқоридагилар асосида жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилиш бўйича жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни илгари суриш мумкин:

**биринчидан**, жиноят процессида фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Улар сирасига хусусан, гаров, айбланувчи (фуқаровий жавобгар)га муайян ҳаракатларни содир этишни тақиқлаш, шунингдек, даъвони таъминлашнинг бошқа чораларини киритиш мақсадга мувофиқ.

**иккинчидан**, фуқаровий даъвогарнинг даъво талабини кўпайтириш ёки камайитиришга бўлган ҳуқуқини тан олиш, бундан ташқари, фуқаровий даъвогар, айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгарнинг фуқаровий даъво бўйича ярашувга эришиш ҳуқуқини

---

<sup>1</sup> Багаутдинов Ф. Пределы действия гражданского иска в уголовном процессе стоит расширить // Российская юстиция. – Москва, 2003. – № 3. – С. 36–38.

мустаҳкамлаш лозим. Бундай ярашув жиноят ишлари бўйича ярашув тартибида расмийлаштирилиши ва кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

**учинчидан,** ЖПКга келгусида фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишни таъминловчи қўшимчалар киритиш; жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазибаларини етказилган зарарни қоплашни таъминлаш билан тўлдириш; фуқаровий даъвогар сифатида юридик шахслар қатнашиши мумкинлигини эътироф этиш; фуқаровий даъвогарга жиноят иши тугатилиши муносабати билан жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқининг берилиши; шунингдек, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарни уларнинг процессуал мақомига мувофиқ сўроқ қилиш ва уларнинг кўрсатувларини далил манбалари сирасига киритишни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

**тўртинчидан,** шахснинг мулкий ҳуқуқларининг процессуал қафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида ЖПК 18-моддасини қуйидаги таҳрирдаги еттинчи қисми билан тўлдиришни таклиф этамиз: “Жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят туфайли етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарнинг ундирилишини таъминлаш учун фуқаровий даъвони таъминлаш, кўриб чиқиш, ҳал этиш ва етказилган зарарларни қоплаш орқали фуқароларнинг жиноят ва унинг оқибатлари натижасида камситилган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт”.

**бешинчидан,** ЖПКнинг 54-моддасига шахс ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қуйидаги таҳрирдаги учинчи қисм киритиш таклиф этилди: “Жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси жиноят процессида кўриб чиқилади. Агар бундай даъво жиноят процессида қўзғатилмаган бўлса ёки кўриб чиқилмаган бўлса, жабрланувчи уни фуқаролик процесси тартибида қўзғатиш ҳуқуқига эга”.

**олгинчидан,** ЖПКга жабрланувчига суриштирувчи, терговчи томонидан унга жиноят туфайли етказилган мулкый зиённи ҳамда маънавий зарарни қоплаш тўғрисида фуқаровий даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилиши лозимлиги; маънавий зарар деганда, фуқаролар уларга қарши жиноят содир этилиши туфайли ҳис қиладиган жисмоний ва руҳий азобланишлар тушунилиши; фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгар далиллар, шу жумладан, мутахассис фикри ёки хулосасини тақдим этишга ҳақли эканлиги; фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари суд музокарасида қатнашиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларнинг киритилиши мақсадга мувофиқ.

### **III боб бўйича хулоса:**

Ушбу бобда амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидагича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жиноят процессида фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Улар сирасига хусусан, гаров, айбланувчи (фуқаровий жавобгар)га муайян ҳаракатларни содир этишни таъқиқлаш, шунингдек, даъвони таъминлашнинг бошқа чораларини киритиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқини прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ва терговчига ҳам бериш мақсадга мувофиқ.

2. Фуқаровий даъвогарнинг даъво талабини кўпайтириш ёки камайтиришга бўлган ҳуқуқини тан олиш, бундан ташқари, фуқаровий даъвогар, айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгарнинг фуқаровий даъво бўйича ярашувга эришиш ҳуқуқини мустақкамлаш лозим. Бундай ярашув жиноят ишлари бўйича ярашув тартибида расмийлаштирилиши ва кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ.

3. ЖПКга келгусида фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишни таъминловчи қўшимчалар киритиш; жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари

вазифаларини етказилган зарарни қоплашни таъминлаш билан тўлдириш; фуқаровий даъвогар сифатида юридик шахслар ҳам қатнашиши мумкинлигини эътироф этиш;

4. фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгарга жиноят иши тугатилиши муносабати билан жиноят иши материаллари билан танишиб чиқиш ҳуқуқининг берилиши; шунингдек, фуқаровий даъвогар ва фуқаровий жавобгарни уларнинг процессуал мақомига мувофиқ сўроқ қилиш ва уларнинг кўрсатувларини далил манбалари сирасига киритишни мустақамлаш мақсадга мувофиқ ва б.қ.

## ХУЛОСА

Жиноят процессида фуқаровий даъвони ҳал қилишда қонунчиликка риоя қилишга оид процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш, шунингдек, бу борадаги жиноят-процессуал ҳуқуқий таълимотни такомиллаштириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилмоқда:

1. Жиноят процессида фуқаровий даъвога муаллифлик тушунчаси берилди: “Жиноят процессида фуқаровий даъво деганда, жиноят ёхуд ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида моддий, жисмоний ёки маънавий зарар кўрган шахснинг, унинг қонуний вакили ёхуд унинг ёки давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб прокурорнинг айбдорга ёки моддий жавобгар шахсга нисбатан етказилган зарарни қоплаш учун билдириладиган моддий-ҳуқуқий аҳамиятдаги талаби тушунилади”.

2. Жиноят процессида фуқаровий даъво бошқа даъволар сингари иккита элемент – предмет ва асосга эга. Мулкий хусусиятга эга ҳуқуқий талаблар, шунингдек моддий зиённи қоплаш тўғрисидаги талаб фуқаровий даъвонинг предмети ҳисобланади. Даъвонинг асосини юридик фактлар ташкил этади, даъвогар эса улардан ўзининг талабларини шакллантиради, қонун даъвогар ва айбланувчи (фуқаровий жавобгар) ўртасида ҳуқуқий муносабатлар юзага келишини улар билан боғлайди.

3. Жиноят процессида фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари рўйхатини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Улар сирасига хусусан, гаров, айбланувчи (фуқаровий жавобгар)га муайян ҳаракатларни содир этишни таъқиқлаш, шунингдек, даъвони таъминлашнинг бошқа чораларини киритиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, фуқаровий даъвони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқини прокурорнинг розилиги билан суриштирувчи ва терговчига ҳам бериш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ЖПК 286-моддасини қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: **“Жиноят процессида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья фуқаровий даъвони**

таъминлаш чораларини кўрадилар. **Фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида, мол-мулкни хатлаш, гаров, айбланувчи (фуқаровий жавобгар)га муайян ҳаракатларни содир этишни тақиқлаш, шунингдек, даъвони таъминлашнинг бошқа чоралари қўлланилиши мумкин”.**

4. Фуқаровий даъвогар сифатида Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органлари қатнашиши мумкинлигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ. Шу маънода, давлат ва жамият манфаатларига мулкий зиён етган ҳолларда прокурор давлат ва жамият манфаатларини кўзлаб, фуқаровий даъво кўзғатиши мумкинлиги тўғрисида ЖПК 56-моддаси иккинчи қисмига тегишли қўшимча киритиш мақсадга мувофиқ.

5. Фуқаровий даъвогарнинг даъво талабини кўпайтириш ёки камайтиришга бўлган ҳуқуқини тан олиш, бундан ташқари, фуқаровий даъвогар, айбланувчи, гумон қилинувчи, судланувчи, фуқаровий жавобгарнинг фуқаровий даъво бўйича ярашувга эришиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш лозим. Бундай ярашув жиноят ишлари бўйича ярашув тартибида расмийлаштирилиши ва кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ЖПК 57-моддасини биринчи қисмини қуйидаги жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: **“даъво талабини кўпайтириш ёки камайтириш, фуқаровий даъво бўйича ярашиш, ўзининг процессуал мақомига мувофиқ, сўроқ қилишларини ва уларнинг кўрсатувларини далил сифатида эътироф этишларини талаб қилиш, далиллар тақдим этиш, бевосита ёки вакиллари орқали суд музокарасида қатнашиш”.**

6. ЖПК 59-моддасини биринчи қисмини қуйидаги жумлалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ: **“фуқаровий даъво бўйича ярашишни таклиф қилиш, ўзининг процессуал мақомига мувофиқ, сўроқ қилишларини ва уларнинг кўрсатувларини далил сифатида эътироф этишларини талаб қилиш, далиллар тақдим этиш, бевосита ёки вакиллари орқали суд музокарасида қатнашиш”.**

7. Шахснинг мулкий ҳуқуқларининг процессуал кафолатларини

мустаҳкамлаш мақсадида ЖПК 18-моддасини қуйидаги таҳрирдаги еттинчи қисми билан тўлдиришни таклиф этамиз: **“Жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят туфайли етказилган моддий, жисмоний ёки маънавий зарарнинг ундирилишини таъминлаш учун фуқаровий даъвони таъминлаш, кўриб чиқиш, ҳал этиш ва етказилган зарарларни қоплаш орқали фуқароларнинг жиноят ва унинг оқибатлари натижасида камситилган ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт”**.

**8.** ЖПКнинг 54-моддасига шахс ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида қуйидаги таҳрирдаги учинчи қисм киритиш таклиф этилди: **“Жабрланувчининг унга етказилган маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги даъвоси жиноят процессида кўриб чиқилади. Агар бундай даъво жиноят процессида қўзғатилмаган бўлса ёки кўриб чиқилмаган бўлса, жабрланувчи уни фуқаролик процесси тартибида қўзғатиш ҳуқуқига эга”**.

**9.** Судда жиноят ишини кўриб чиқишда айблов хулосасини эълон қилиш билан бирга, дастлабки тергов жараёнида берилган фуқаровий даъвони ҳам эълон қилиш мақсадга мувофиқ. Шу мақсадда ЖПКнинг 439-моддасига **“Фуқаровий даъво қўзғатилган тақдирда, суд тергови айблов хулосаси ва қўзғатилган фуқаровий даъвони эълон қилиш билан бошланади”**, деган жумлани қўшиш зарур.

**10.** ЖПКга келгусида фуқаровий даъвони таъминлаш мақсадида кечиктириб бўлмайдиган тергов ҳаракатларини ўтказишни таъминловчи қўшимчалар киритиш; жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари вазифаларини етказилган зарарни қоплашни таъминлаш билан тўлдириш; жабрланувчига суриштирувчи, терговчи томонидан унга жиноят туфайли етказилган мулкӣ зиённи ҳамда маънавий зарарни қоплаш тўғрисида фуқаровий даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилиши лозимлиги; маънавий зарар деганда, фуқаролар уларга қарши жиноят

содир этилиши туфайли ҳис қиладиган жисмоний ва руҳий азобланишлар тушунилиши тўғрисидаги қоидаларни мустаҳкамлаш мақсадга мувофиқ.

## Фойдаланилган адабиётлар РЎЙХАТИ

### I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси Расмий нашр. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2014. - 408 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2013.
4. Ўзбекистон Республикасининг 18.09.2012 й. ЎРҚ-335-сон “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2012 йил, 9/2-сон, 244-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 52-сон, 585-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 254-II-сонли 2001 йил 29 августдаги Қонуни // Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10(1305-1306)-сон. – 165-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири) 14.12.2000 й. 162-II-сон Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 1-2-сон, 10-модда.
8. “Суд экспертизаси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 01.06.2010 й. ЎРҚ-249-сонли Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 й. 6-сон, 230-модда.
9. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (Янги таҳрири) Ўзбекистон Республикаси 29.08.2001 й. 257-II-сон Қонуни билан қабул қилинган. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 2001 й. 9-10-сон, 168-модда.
10. “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси 27.11.1996 й. 349-I-сон Қонуни билан қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси 1997 й. 2-сон, 48-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. –Тошкент: Адолат, 2006. Биринчи жилд. – 493 б.
12. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006. –Тошкент: Адолат, 2006. Иккинчи жилд. – 541 б.

13. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги 2-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори // “Норма” Ахборот-қидирув тизими.

## **II. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари:**

14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари - олий кадрият. Т.14.– Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.

15. Каримов. И.А. Жамятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва ҳалқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. - 318 б.

16. Каримов. И.А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодийтимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т.16.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2007. -366 б.

17. Каримов И.А. Ватанимизнинг бочқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш-бизнинг олий мақсадимиз. Т.17.-Тошкент.: Ўзбекистон, 2009. -280 б.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамятини ривожлантириш Концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

19. Каримов И.А.Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққийтимизнинг муҳим омилидир // Халқ сўзи. 2010 йил 8 декабрь.

## **III. Асосий адабиётлар:**

20. Абдурахмонов У. А. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура ва суд органлари томонидан фуқароларга етказилган зиённи қоплаш: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 21 б.

21. Акрамходжаев Б. Т. Обеспечение прав и законных интересов потерпевшего на предварительном следствии: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – М.: ВЮЗШ МВД РФ, 1992. – 22 с.

22. Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент:ТГЮИ, 2010. – 26 с.

23. Боков Д.К. Гражданский иск прокурора в уголовном процессе в защиту интересов государства: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия Генеральной прокуратуры РФ, 2012. – С. 19.

24. Галимов Т.Р. Субъекты доказывания гражданского иска в уголовном судопроизводстве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 2006. – С.5-6.

25. Давлетов А. Д. Гражданский иск в уголовном деле – важное средство охраны социалистической и личной собственности: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент: Юрид. факультет ТашГУ, 1970. – 20 с.
26. Дубровин В.В. Гражданский иск и другие институты возмещения вреда от преступлений в уголовном судопроизводстве: международный, зарубежный, отечественный опыт правового регулирования: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2010. – С. 12.
27. Дык А.Г., Муллахметова Н.Е. Гражданский иск в уголовном деле как один из способов возмещения вреда, причиненного преступлением: Монография. – М.: Юрлитинформ, 2013. – С. 28.
28. Дык А. Г. Актуальные вопросы гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Калининград: КЮИ МВД России, 2007. – 21 с.
29. Емельянов С.Л. Проблемы реализации исковой формы защиты прав в уголовном процессе. – Гомель: УО ГГУ им. Ф.Скорины, 2006. – С. 47.
30. Жинойт процесси. Умумий қисм: Юридик институт ва факультетлари талабалари учун дарслик / З.Ф.Иноғомжонованинг умумий тахрири остида. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. – Б. 327.
31. Закирова И.Н. Процессуальные особенности компенсации морального вреда, нанесенного средствами массовой информации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Ташкент: ТГЮИ, 2004. – 25 с.
32. Зинатуллин З. З. Возмещение причиненного преступлением ущерба в советском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Казань: Казанский ГУ, 1971. – 24 с.
33. Золотая Е.А. Исковой способ защиты имущественных прав лиц, нарушенных преступлением: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Н.Новгород, 2006. – С. 42.
34. Зорин А.И. Гражданский иск в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург, 2005. – С. 9
35. Имангазиева Ж.У. Проблемы гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Астана: Казахский гуманитарно-юридический университет, 2008. – С. 7.
36. Камалходжаев Д. Реабилитация в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент: Академия МВД Республики Узбекистан, 1996. – 21 с.
37. Кожин И. Г. Уголовно-процессуальный механизм обеспечения возмещения вреда физическому лицу: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень: Институт государства и права ТГУ, 2006. – 20 с.
38. Комментарий к Уголовно-процессуальному кодексу РФ / Под ред. А.Я.Сухарева. – М., 2004. – С. 17.
39. Кравцова С. В. Уголовно-процессуальный статус гражданского истца и гражданского ответчика на стадии предварительного расследования: понятие, сущность и основания возникновения: Автореф.

дис. ... канд. юрид. наук. – Санкт-Петербург: Университет МВД России, 2003. – 24 с.

40. Кривошеков Н. В. Моральный вред, устанавливаемый в ходе производства по уголовному делу на стадии предварительного расследования: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тюмень: Тюменский ЮИ МВД России, 2004. – 22 с.

41. Куватпеков К.Б. Гражданский иск в уголовном процессе (по материалам Кыргызской Республики и Российской Федерации): Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия управления МВД России, 2014. – С. 11.

42. Кузнецова Н.В. Проблемы компенсации морального вреда в уголовном процессе: Дисс. ... канд. юрид. наук. – Ижевск, 1997. – С. 107-108.

43. Курдубанов Ю. В. Обеспечение прав гражданского истца при рассмотрении уголовных дел судами: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Москва: МГУ, 2002. – 24 с.

44. Мухитдинов Ф. М. Уголовно-процессуальная форма: проблемы теории и методологии: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Тошкент:ТГЮИ, 2005. – 43 с.

45. Николаев Е.М. Восстановление прав и законных интересов потерпевших в уголовном судопроизводстве. – М., 2010. – С. 74.

46. Панарин В.Я. Защита имущественных прав личности в уголовном процессе Российской Федерации: Автореф. дисс. ... д-ра юрид. наук. – Воронеж, 1994. – С. 14.

47. Пыталев Р.М. Гражданский иск в уголовном процессе: предъявление, доказывание, рассмотрение. – Минск: Амалфея, 2003. – С. 24.

48. Разумовский Д.Б. Гражданский иск в уголовном деле: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – М., 2004. – С.6.

49. Саидов Б. А. Дастлабки терговда шахсинг шаъни ва кадр-кимматини хурмат қилиш принципининг таъминланиши: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент:Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2002. – 24 б.

50. Самитов М. Р. Производство по рассмотрению и разрешению гражданского иска в российском уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2006. – 29 с.

51. Саттарова М. Ф. Проблемы возмещения вреда, причиненного предпринимателям незаконными актами должностных лиц: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Тошкент: ТГЮИ, 2004. – 25 с.

52. Сенин Н.Н. Возмещение вреда, причиненного преступлением, в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Томск: Юрид. институт ТГУ, 2004. – 25 с.

53. Славгородских Т.А. Доказывание обстоятельств гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве. – Оренбург, 2003. – С.34-37.

54. Славгородских Т. А. Предмет доказывания обстоятельств гражданского иска в российском уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Оренбург: Юрид. факультет Оренбургского ГАУ, 2003. – 20 с.
55. Тарнавский О. А. Уголовно-процессуальный механизм предъявления и разрешения гражданского иска в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Екатеринбург: ЕГУ, 2000. – 27 с.
56. Тетерина Т. В. Проблемы обеспечения имущественных, иных прав и законных интересов потерпевшего в уголовном процессе: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Нижний Новгород: Нижегородская академия МВД России, 2004. – 25 с.
57. Тиллаев Т.Н. Жиноят процессида фуқаровий даъво: Юрид. фан. номз. ... дисс. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2010. – 184 б.
58. Тимошенко А. В. Теоретические и практические вопросы гражданского иска в предварительном расследовании: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Челябинск: Институт права, социального управления и безопасности УдмГУ, 2002. – 24 с.
59. Туров С.Ю. Возмещение причиненного преступлением вреда как уголовно-процессуальная функция (теоретико-методологический анализ): Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Челябинск, 2013. – С. 11.
60. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. Масъул муҳаррир проф. Ғ.Абдумажидов. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б. 325.
61. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси. Дарслик. Муаллифлар жамоаси: Б.А.Миренский, А.Х.Рахмонкулов, В.В.Қодирова ва б.қ. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2012. – Б. 240.
62. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар / Нашр этиш учун масъул У.Таджиханов – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. – Б. 389.
63. Феногенов А.Г. Предмет доказывания при производстве по гражданскому иску в уголовном процессе: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Краснодар, 1998. – С.25-26.
64. Хамракулов Б. М. Маънавий зарарни қоплашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – 26 б.
65. Ханов Т.А. Имущественные вопросы в уголовном судопроизводстве Республики Казахстан: Автореф. дисс. .... докт. юрид. наук. Алматы, 2006. – С. 6.
66. Хонназаров Р.А. Номоддий неъматларга етказилган зарарни ундиришнинг фуқаролик-ҳуқуқий муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 27 б.
67. Чекулаев Д.П. Потерпевший в уголовном судопроизводстве: доступ к правосудию и компенсация причиненного ущерба: Дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2006. – С. 22.

68. Якупов Р.Х. Уголовный процесс: Учебник для вузов / Науч. ред. Н.В.Галузо. – М., 2004. – С.398-409.

#### **IV. Қўшимча адабиётлар:**

69. Craig M. Bradley. Criminal Procedure. A worldwide study. – North Carolina: Durham, 2007. – P. 189.

70. Mireille Delmas-marty and J.R. Spencer. European criminal Procedures. – New York: Cambridge university Press, 2002.

71. Wren T. Confiscation law and asset tracing in The United Kingdom. – London, 1992.

72. Масленникова Л.Н. Деятельность органов расследования по обеспечению доступа к правосудию потерпевшим от преступлений в России. – М., 1995. – С. 7.

73. Милицин С.Д. Предмет регулирования советского уголовно-процессуального права. – Свердловск, 1991. – С. 63-64.

74. Сборник материалов III Международного семинара с участием экспертов Совета Европы «Функции прокуратуры вне рамок уголовного преследования: вопросы теории и практики». – М., 2005.

75. Семин А.В., Кузнецова Н.В. Обеспечение возмещения причиненного преступлением вреда. – Ижевск, 2003. – С. 28-29.

76. Типовой УПК СНГ // Приложение к Информационному бюллетеню Межпарламентской Ассамблеи государств – участников СНГ, 1996, №10.

77. Шорахметов Ш. Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент: Адолат, 2001. – Б. 151.

78. Юридик энциклопедия / Проф. У.Таджихоновнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 86.

#### **V. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:**

79. Аббаслы М. Гражданский ответчик в (досудебном) уголовном судопроизводстве // Bakı universitetin xeberleri. – Баку, 2005. – №3. – С. 92-93.

80. Абдрахманов М.Х. Процедура признания юридических лиц потерпевшими и гражданскими истцами в уголовном процессе // Право. – 2008. – №310. – С. 105.

81. Агадецкая Э. Ю. Гражданский иск в уголовном процессе как средство обеспечения прав и законных интересов субъектов гражданских правоотношений // Место и роль органов внутренних дел в системе уголовной юстиции. Выпуск 2. – Омск, 1998. – С. 134–136.

82. Азаров В.А. Защита имущественных интересов потерпевших от преступлений: законотворчество и законодательные реалии // Вестник Омского университета. – 2005. – №2(3). – С. 130-141.

83. Александров А.С. Понятие и сущность уголовного иска //

Государство и право. – Москва, 2006. – №2.

84. Аршба Г. В., Гирько С. И., Николук В. В. Вопросы наложения ареста на имущество // Юридический консультант. – Москва, 2004. – № 11. – С. 21–39.

85. Багаутдинов Ф. Пределы действия гражданского иска в уголовном процессе стоит расширить // Российская юстиция. – Москва, 2003. – № 3. – С. 36–38.

86. Бобров К.О. Гражданский иск в уголовном судопроизводстве как средство эффективной правовой защиты человека // Российский судья. – Москва, 2008. – №5. – С.22.

87. Божьев В.П. Гражданский иск в уголовном деле как предмет уголовно-процессуальных отношений // Российский следователь. – 2011. – №16. – С. 16-17.

88. Божьев В.П. Гражданский иск в уголовном процессе // Законность. – Москва, 2004. – №7. – С. 3.

89. Боков Д.К. Дискуссионные вопросы предъявления прокурором гражданского иска в уголовном процессе в защиту интересов государства // Вопросы российского и международного права. – Москва, 2011. – №1. – С. 67-72.

90. Воложанин В.П. Иск и предпосылки права на иск в уголовном процессе. Проблемы реформы гражданского процессуального права и практики его применения // Межвузовский сборник научных трудов. – Свердловск, 1999. – С. 35-41.

91. Головачук О.С. Гражданский иск в уголовном процессе // Ученые записки: Сб. науч. трудов юрид. фак-та Оренбургского гос. унив-та. Вып.1. – Оренбург, 2004. – С. 127.

92. Головкин Л. Некоторые гражданско-правовые проблемы, возникающие в связи с применением статьи 76 нового Уголовного кодекса РФ // Хозяйство и право. – 1998. – №2.

93. Горобец В. Гражданский иск в уголовном процессе // Российская юстиция. – Москва, 2000. – №9.

94. Горобец В. Особенности рассмотрения гражданского иска в уголовном процессе // Российская юстиция. – Москва, 2001. – № 10. – С. 34-35.

95. Грицай О.В. Некоторые аспекты разрешения гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Российский судья. – Москва, 2008. – №7.

96. Гусева Т. Гражданский иск в рамках дела о налоговых преступлениях // Уголовное право. – Москва, 2003. – № 3. – С. 84.

97. Дубровин В.В., Волеводз А.Г. Правовое регулирование возмещения вреда, причиненного преступлением, по законодательству зарубежных стран // Юридический мир. – Москва, 2009. – №11. – С. 58-59.

98. Дык А.Г. Проблемы, связанные с институтом предъявления прокурором гражданского иска в уголовном процессе в пользу третьих лиц // Вестник ОГУ. – 2005. – №3. – С. 46-47.

99. Жирова М.Ю. Исковая природа частного обвинения // Вестник

СамГУ. – 2011. – №4(85). – С. 290-291.

100. Загоровский А. Актуальные вопросы рассмотрения гражданского иска в уголовном процессе // Законность и правопорядок. – 2012. – №3(23). – С. 62-63.

101. Кипнис Н.М. Проблемы гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Lex Russica. Научные труды Московской государственной юридической академии. – 2005. – №4. – С. 774.

102. Клейменов А. Кто является гражданским ответчиком по делам о налоговых преступлениях // Российская юстиция. – Москва, 2001. – №8. – С. 40.

103. Куватпеков К.Б. Процессуальный статус гражданского истца по УПК Кыргызской Республики и Российской Федерации // Вестник Удмуртского Университета. – 2013. – Вып. 3. – С. 157.

104. Лившиц Ю.Д., Тимошенко А.В. Еще раз к вопросу о значении института гражданского иска в уголовном процессе // Сборник научных трудов. – Челябинск: Южно-Уральский государственный университет, 2004. – С. 99.

105. Неретин Н.Н. К вопросу о предъявлении гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Российский судья. – Москва, 2012. – №1. – С. 38.

106. Османов Т. С. Гражданский истец и гражданский ответчик в надзорном производстве по новому УПК РФ // Арбитражный и гражданский процесс. – Москва, 2004. – № 4. – С. 11–12.

107. Самарин В.И. Гражданский иск в уголовном процессе Республики Беларусь. – Ч.1: Сущность и значение гражданского иска в уголовном процессе. Основание и предпосылки гражданского иска в уголовном процессе // Беларусь. Технология 3000 / ООО “ЮрСпектр”, Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь. – Минск, 2012. – С. 34.

108. Самолин В. Гражданский иск в уголовном процессе и принцип диспозитивности // Законность. – Москва, 2000. – № 9. – С. 49–50.

109. Семенцов В.А. Об эффективности гражданского иска в уголовном судопроизводстве // Избранные статьи по уголовному процессу. – Краснодар: Просвещение-Юг, 2013. – С. 93.

110. Супрун С.В. Возмещение по уголовному делу имущественного вреда в порядке регресса // Уголовное право. – 2010. – №3. – С. 94.

111. Тарнавский О.А. Роль прокурора в рассмотрении и разрешении гражданского иска в уголовном процессе // Современная преступность: состояние, тенденции, средства преоделения: Материалы Всероссийской научно-практической конференции 22-23 апреля 1999 года. – Екатеринбург, 1999. – С. 88.

112. Тutyнин И.Б. К вопросу об обеспечении исполнения приговора в части гражданского иска // Актуальные проблемы уголовного судопроизводства: вопросы теории, законодательства, практики применения (к 5-летию УПК РФ): материалы междунар. науч.-практ. конф. – М.: Московская государственная юридическая академия, 2007. – С. 302.

## VI. Интернет сайтлари:

113. Интернет сайти: web-ресурс: [www.balazan.kz](http://www.balazan.kz).

114. Интернет сайти: web-ресурс: [www.norge.ru](http://www.norge.ru).

115. Интернет сайти: web-ресурс: [www.yurotdel.com/zakony/ugolovno-processualnyi-kodeks-estonii.html](http://www.yurotdel.com/zakony/ugolovno-processualnyi-kodeks-estonii.html).

116. Макарова И.А. Проблемы рассмотрения гражданского иска в уголовном процессе // [www.hse.ru](http://www.hse.ru)

117. Сероштан В.В. Зарубежный уголовный процесс в области регулирования прав участников уголовного судопроизводства // Электронный ресурс, 2010 – [www.juristlib.ru/book\\_9546.html](http://www.juristlib.ru/book_9546.html)

118. Criminal Justice act 1982 [electronic resource] // website of uK Office of Public sector Information. electronic data (1 file). url: [http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1982/pdf/ukpga\\_19820048\\_en.pdf](http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1982/pdf/ukpga_19820048_en.pdf) (04.08.09).

119. Powers of criminal courts act 1973 [electronic resource] // website of UK Office of Public sector Information. Electronic data (1 file). url: [http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1973/pdf/ukpga\\_19730062\\_en.pdf](http://www.opsi.gov.uk/acts/acts1973/pdf/ukpga_19730062_en.pdf) (04.09.09).